В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

УМБЕРТО ЖИЛ СИЛВА РАФЕЙРО

НОСТАНДАРТ ФУНКЦИОНАЛ ФАЗОЛАР ВА УЛАРНИНГ ГАРМОНИК АНАЛИЗГА ТАТБИҚЛАРИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2021

УДК: 517.98

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Изоҳ: Авторефератнинг ўзбек ва рус тилларидаги матнлари В.И.Романовский номидаги Математика институти катта илмий ходими Хакимов Отабек Норбўта ўғли томонидан таржима қилинган.

В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

УМБЕРТО ЖИЛ СИЛВА РАФЕЙРО

НОСТАНДАРТ ФУНКЦИОНАЛ ФАЗОЛАР ВА УЛАРНИНГ ГАРМОНИК АНАЛИЗГА ТАТБИҚЛАРИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2021

Докторлик диссертацияси В.И.Романовский номидаги Математика институти ва Бирлашган Араб Амирликлари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://kengash.mathinst.uz) ва «ZIYONET» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Аюпов Шавкат Абдуллаевич**
физика-математика фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар: **Альберто Фьоренца**
Математика фанлари доктори, профессор

Чилин Владимир Иванович
физика- математика фанлари доктори, профессор,

Кудайбергенов Каримберген Кадирбергенович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Тбилиси давлат университети қошидаги Андреа Размадзе математика институти (Грузия)

Диссертация ҳимояси В.И.Романовский номидаги Математика Институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «13» февраль соат 18:00даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174,Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4б-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz).

Диссертация билан В.И. Романовский номидаги Математика Институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (112-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4б-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40.

Диссертация автореферати 2021 йил «3» февраль куни тарқатилди.

(2021 йил «3» февраль даги 2-рақамли реестр баённомаси).

У.А.Розиков
Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Ж.К.Адашев
Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш котиби, ф.-м.ф.н., катта илмий ходим

У.У.Жамилов
Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш хузуридаги Илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Охирги йиллардаги тадқиқотлардан маълум бўлмоқдаки, классик функционал фазолар баъзи замонавий масалалар, жумладан, хусусий ҳосилали чизиқсиз тенгламаларнинг ечилувчанлиги, турли физик жараёнларни математик моделлаштириш, суюқликлар механикаси ва чизиқсиз эластиклик назариясида табиий равишда пайдо бўлувчи масалаларга ечим топишда самарали объект ҳисобланмайди. Таъкидлаш керакки, жамланувчанлик тартиби ўзгармас бўлган материалларни Лебег ва Соболев фазолари ёрдамида моделлаштириш самара берса-да, баъзи бир жинсли бўлмаган материаллар учун бу фазолар ёрдамида моделлаштириш самара бермайди. Жамланувчанлик тартиби материалнинг анизотроплигини ўлчаш имконини бериши зарурлиги ўзгарувчан тартибли функциялар фазосини ўрганишга туртки бўлади.

Баъзи замонавий масалалар, жумладан, электрореологик ва термореологик суюқликларни моделлаштириш, тасвирни қайта ишлаш ва ностандарт ўсишга эга дифференциал тенгламаларни тадқиқ этишда ностандарт функционал фазолар (масалан, ўзгарувчан кўрсаткичли Лебег ва Соболев фазолари, катта Лебег фазоси ва бошқалар) кенг қўлланилмоқда. Математик нуқтаи назардан бундай функционал фазоларни ўрганиш янги ва мураккаб масалаларни келтириб чиқармоқда. Буни асосан гармоник анализдаги операторларнинг чегараланганлиги билан боғлиқ масалаларда учратиш мумкинки, бундай масалаларга аввалдан маълум усулларни қўллаб бўлмайди. Шу боис ностандарт функционал фазоларни тадқиқ қилиш ва гармоник анализнинг юқоридаги масалаларини ечишнинг оптимал усулларини топиш долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

Жаҳон миқёсида олиб борилаётган фундаментал тадқиқотларнинг[1] аксарияти функционал анализ, гармоник анализ, математик физика, эҳтимоллар назарияси ва динамик системалар назарияси масалаларини тадқиқ этишга қаратилган. Бу соҳаларда кўзланган мақсадга эришиш учун янги функционал фазоларни топиш ва уларни ривожлантириш, олинган натижаларни фаннинг турдош соҳаларида қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909 сонли Қарори ва 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларни мамлакатда оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775 сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сон қарори

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.

Ностандарт функционал фазолар ва уларнинг гармоник анализга татбиқлари мавзуси доирасидаги илмий изланишлар етакчи хорижий давлатларнинг илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Алабама университети (АҚШ), Турку университети (Финландия), Токио Метрополитан университети (Япония), Авейро университети (Португалия), Алгарв университети (Португалия), Неапол университети (Италия), Грузия Фанлар академияси (Грузия), Понтифик Ксавиер университети (Колумбия), Жанубий федерал университет (Россия), Бирлашган Араб Амирликлари университети (БАА), Хиросима университети (Япония) ва Арктика университетида (Норвегия) олиб борилмоқда.

Ностандарт функционал фазолар бўйича илмий изланишлар кўплаб тадқиқотчилар томонидан олиб борилаётган бўлса-да, охирги 5 йилда олинган натижалар билан таништириб ўтишни жоиз топдик. Кўтариш хоссаси ва Фурье коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир ўзгарувчиси бўйича интегралланувчи Трибер-Лизоркин ва 2-микролокал Бесов фазоларида атом ва молекулалар ёйилмасини ўрганиш (Авейро университети, Португалия), Мусиелак-Орлич фазоларидаги нормаллаштирувчи оператор ва Харди-Литтлвуд максимал функцияларининг чегараланганлик шартларини топиш ҳамда эксрополяция ва интерполяция каби баъзи кўчириш усулларини яратиш (Турку университети, Финландия), бирлик шар ва юқори ярим текисликларда аниқланган аналитик функцияларнинг ностандарт Банах фазоларини тадқиқ қилиш (Алгарв университети, Португалия, Жанубий федерал университет, Россия), катта ва кичик Лебег ҳамда Лоренц фазоларини тадқиқ этиш (Неапол университети, Италия), Штейн типидаги интерполяцияли катта Морри фазосини ўрганиш (Грузия Фанлар академияси, Грузия) ва бошқалар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзгарувчан кўрсаткичли Лебег фазоси 1931 йилда Орлич томонидан киритилган бўлса-да, дастлаб бу фазоларга эътибор унчалик катта бўлмади. Фақат 1950 йиллардаги модуляр фазоларнинг хусусий ҳоли сифатида қаралган Х.Наканонинг ишинигина бу фазоларга эътибор жиҳатидан санаб ўтиш мумкин. Бу функционал фазолар 1970 йиллардаги И.Шарапудиновнинг энг яхши яқинлашиш масалаларига татбиқи сифатида пайдо бўлди. Ўтган асрнинг 80-йилларида эса В.Жиков вариацион ҳисоб масалаларига ўзгарувчан кўрсаткичли Лебег фазоларини қўллади. 1991 йилда О.Ковачик ва Я.Ракосник ўзгарувчан кўрсаткичли фазолар назариясига бағишланган мақола чоп эттирди. Бу мақоладан сўнг ўзгарувчан кўрсаткичли фазоларга қизиқиш кескин ортиб кетди ва бу фазоларда тадқиқот олиб борувчи мутахассислар сони сезиларли даражада ошди. Ана шундай олимлар қаторида А.Алмейда, К.Капоне, Д.Круз-Урибе, Л.Денинг, Д.Э.Эдмундс, А.Фиоренца, Ф.Футамура, М.Гаджибеков, П.Харьюлехто, П.Хастё, М.Хабази, В.Кокилашвили, Т.Копалиани, М.Коскеноя, О.Ковачик, Дж.Ланг, В.Латвала, А.Лернер, Дж.М.Мартелл, Ф.Мамедов, А.Месхи, Ю.Мизута, А.Неквинда, К.Дж.Нойгебауэр, В.Пааташвили, М.Пере, К.Перес, Х.Рафейро, Я.Ракосник, М.Ружичка, Н.Самко, С.Самко, Ю.Савано, И.Шарапудинов, Э.Шаргородский, Т.Шимомура, Б.Вакулов, В.Жиков ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин. Ўзгарувчан кўрсаткичли Соболев ва Лебег фазолари назарияси тўғрисида Д.В.Круз-Урибе ва А.Фьоренцаларнинг монографияларида, шунингдек, Л.Денинг, П.Хастё, П.Харьюлехто ва М.Ружичкаларнинг монографияларида батафсил маълумот олиш мумкин. Иккинчи монографиянинг катта қисми бундай фазоларнинг каср тартибли дифференциал тенгламалар ва гидродинамикага татбиқларига бағишланган. В.Кокилашвили ва В.Пааташвилининг монографиясида оғирлик қўйилган ўзгарувчан кўрсаткичли Лебег фазоларидаги чегараси силлиқ бўлмаган соҳалар учун чегаравий масалаларни ечиш ўрганилган.

Тадқиқотчиларнинг эътиборини тортган яна бир функционал фазолардан бири 1992 йилда Т.Иванц ва К.Сбордонелар томонидан Якобианнинг интегралланувчилиги хоссасини ўрганиш натижасида киритилган катта Лебег фазосидир. Бу фазо турли чизиқсиз дифференциал тенгламаларнинг регулярлик, мавжудлик ва ягоналик масалаларида энг самарали эканлиги ойдинлашди. Бу фазолардаги операторлар назарияси охирги йилларда кўп ўрганилмоқдаки, Г. Анатриелло, К. Капоне, Н. Данелия, Г. Ди Фратто, А. Фьоренца, Л. Греко, Б. Гупта, Т. Иванец, П. Джайн, Г.Е. Караджов, В. Кокилашвили, А. Месхи, Х. Рафейро, Дж. М. Ракотосон, С. Самко, К. Сбордоне, С. Умархаджиев ва бошқалар бу назариянинг ривожига ўз хиссаларини қўшиб келмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Математика институтининг ОТ-ФТ-82 «Операторлар ва ноассоциатив алгебраларда локал дифференциаллаш ва автоморфизмлар, ночизикли динамик системаларда фаза алмашишлар ва хаос» (2017-2020) ва Бирлашган Араб Амирликлари университетининг G00002994 «Ностандарт Бергман типидаги фазолар» (2019-2020) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади янги ностандарт функционал фазоларни киритиш ва уларда гармоник анализ операторларини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзгарувчан кўрсаткичли Бергман фазоларини (ЎКБФ) аниқлаш ва унинг баъзи структурали хоссаларини ўрганиш;

ЎКБФдаги баъзи операторларни компактликка ва чегараланганликка текшириш;

ЎКБФда олинган баъзи натижаларни бирлик шар ва юқори ярим текисликдан ҳосил қилинган ўзгарувчан кўрсаткичли Морри фазоларидаги аналитик функцияларга қўллаш;

Евклид фазолари, шунингдек, ўлчов берилган квазиметрик фазолардаги каби умумлашган катта Морри фазоларини аниқлаш ҳамда чегараланганлик метатеоремаларини исботлаш;

Ўзгарувчан кўрсаткичли Винер ва Рисс маъноларидаги чекли вариацияли фазоларни аниқлаш ва уларнинг хоссаларини ўрганиш;

Ўзгарувчан кўрсаткичли Рисс маъносидаги чекли вариацияли фазоларда глобал Липшиц-Немицки операторларини тавсифлаш;

Баъзи функционал фазоларда “хунук” ядроли операторларнинг чегараланганлагини исботлаш.

Тадқиқотнинг объекти: Ўзгарувчан кўрсаткичли Бергман фазолари, ўзгарувчан кўрсаткичли чекли вариацияли фазолар, умумлашган катта Морри фазолари, Бергман проекцияси, максимал оператор, Рисс потенциал оператори ва Калдерон-Зигмунд оператори.

Тадқиқотнинг предмети: ўлчовли функциялар фазоси, чекли вариацияли функциялар фазоси, аналитик функциялар фазоси, гармоник анализнинг классик операторлари.

Тадқиқотнинг усуллари: Тадқиқот ишида функционал анализ, гармоник анализ, комплекс анализ ва ҳақиқий анализ усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

экстраполяция техникасидан фойдаланиб, ўзгарувчан кўрсаткичли Бергман фазоларида Бергман проекциясининг чегараланганлигини исботланган;

ўзгарувчан кўрсаткичли Бергман фазоларида баъзи операторларнинг (Бергман проекцияси, Березин алмаштиришлари ва Тёплиц оператори) чегараланганлиги исботланган;

Калдерон-Зигмунд типидаги операторлар коммутатори, шунингдек, биржинсли ҳолдаги умумлашган катта Морри фазосида потенциал операторлар коммутатори чегараланганлиги исботланган;

ўзгарувчан кўрсаткичли Рисс маъносидаги чекли вариацияли фазоларда Рисс тасвири ҳақидаги лемма исботланган;

ўзгарувчан кўрсаткичли Рисс маъносидаги чекли вариацияли фазоларда вектор ўлчовлар учун Бохнер-Лебег фазосидаги чизиқли функционаллар тасвирланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари

Киритилган янги методлар Бергман фазолари назариясини ривожлантиришга хизмат қилади. Умумлашган катта Морри фазоларини тадқиқ қилишда киритилган методлардан бу фазолардаги эллиптик тенгламаларнинг ечимларини баҳолашда қўллаш мумкин. Хунук ядроли операторларнинг чегараланганлиги борасида олинган натижалар классик операторлар учун олинган натижаларни хунук ядроли операторларнинг ядросига енгилроқ шартлар қўйилган операторларга келтириб ўрганиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Функционал анализ, гармоник анализ ва функциялар назарияси методларидан фойдаланилган ҳамда олинган натижалар қатъий математик мулоҳазаларга асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижалар ва методлардан операторлар назарияси ҳамда ностандарт функционал фазоларни тадқиқ этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Шунингдек, олинган натижаларнинг амалий аҳамияти ностандарт функционал фазоларнинг бевосита татбиқлари кўплиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ностандарт функционал фазолар ва операторлар назарияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бирлик шарда кирититилган ўзгарувчан кўрсаткичли Бергман фазосидаги Калдерон-Зигмунд операторининг чегараланганлигидан хорижий илмий журналларда (Complex Var. Elliptic Equ. 61, No. 8, 1090-1106 (2016), J. Math. Sci., New York 226, No. 4, 344-354 (2017), J. Funct. Spaces 2018, Article ID 8751849, 8 p. (2018)) Лебег фазоларидаги Бергман проектив операторининг чегараланганлигини исботлашда фойдаланилган. Илмий натижанинг қўлланилиши аралаш нормали ўзгарувчан кўрсаткичли Бергман фазоларини киритиш, юқори ярим текисликдаги ўзгарувчан кўрсаткичли Бергман фазоларини тадқиқ этиш ва ўзгарувчан кўрсаткичга қўйилган баъзи шартлар асосида фазонинг Липшиц характеристикасини топиш имконини берган;

ўзгарувчан кўрсаткичли Бергман фазосида “осон давом эттириш” тушунчасининг киритилишидан хорижий илмий журналларда (Czech. Math. J. 70, No. 1, 187-204 (2020), Int. J. Math. Math. Sci. 2018, Article ID 1417989, 11 p. (2018), Mediterr. J. Math. 17, No. 1, Paper No. 9, 13 p. (2020)) Бергман проектив операторларининг чегараланганлигини экстраполяция усуллари ёрдамида кўрсатишда фойдаланилган. Илмий натижанинг қўлланилиши ўзгарувчан кўрсаткичли Фок фазоларининг баъзи структуравий хоссаларини, ўзгарувчан кўрсаткичли Бергман фазоларидаги чегараланган операторларнинг баъзи синфининг компактлигини ҳамда ўзгарувчан кўрсаткичли Бергман фазоларидаги композиция операторларининг компактлиги ва узлуксизлигини текшириш имконини берган;

ўзгарувчан кўрсаткичли Бергман фазоларидаги баъзи операторларининг чегараланганлигидан хорижий илмий журналларда (Adv. Oper. Theory, 4, No. 4, 738-749(2019), Math. Notes 106, No. 2, 229-234 (2019), Complex Analysis and Operator Theory 13, 275–289 (2019)) комплекс текисликдаги ўзгарувчан кўрсаткичли Лебег фазоларидаги баъзи чизиқли операторлар учун модулли тенгсизликларни ҳосил қилишда фойдаланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши баъзи чизиқли операторлар учун модулли тенгсизликлар ўринли бўлса, кўрсаткичнинг ўзгармас бўлишини исботлаш ҳамда бирлик шардаги аналитик функцияларнинг ўзгарувчан кўрсаткичли Харди фазоларини киритиш ва тадқиқ этиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 15 та илмий мақла чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон

Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та (Scopus базасида) мақола ва 1 та нуфузли нашриётда чоп этилган китобнинг боби сифатида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, нашр этилган ишлар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 210 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Шунингдек, бу қисмда диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзгарувчан кўрсаткичли Лебег фазолари ҳақида дастлабки тушунчалар**» номли биринчи бобида ўзгарувчан кўрсаткичли Лебег фазолари $L^{p(\cdot)}(\Omega)$ ҳақида қисқа маълумотлар берилган.

«**Ўзгарувчан кўрсаткичли Бергман фазоси**» деб номланган иккинчи бобда ўзгарувчан кўрсаткичли Бергман фазоси аниқланган ва унинг асосий хоссаларини исботланган. Классик Бергман фазоларининг аниқланишидаги усуллар ўзгарувчан ҳолда ўтмаслиги алоҳида таъкидлаш жоиз бўлган жиҳатлардан биридир. Бу муаммодан қутилиш учун ҳақиқий гармоник анализ, ўзгарувчан кўрсаткичли фазолар ва комплекс функциялар методларидан фойдаланамиз. Дастлаб, ўзгарувчан кўрсаткичли Бергман фазоларини таърифлаймиз ва кўрсаткичнинг баъзи шартларида уларнинг Банах фазоси бўлишини кўрсатамиз. Фазоларнинг анизотроплиги муаммосини эса осон кенгайтириш тушунчасини киритиб ҳал этамиз ва ўзгарувчан кўрсаткичли Бергман фазоларидаги аппроксимация масалаларини ечиш учун унинг баъзи хоссаларини исботлаймиз. Бергман проекциясини ўрганамиз ва экстраполяция назариясидан фойдаланиб бу проекциянинг ўзгарувчан кўрсаткичли Бергман фазоси учун ҳам чегараланган бўлишини исботлаймиз. Ўзгарувчан кўрсаткичли Бергман фазосида Карлесон ўлчовини аниқлаймиз ва тавсифлаймиз. Сўнг бу структурада кўпаювчи ядронинг нормасини баҳолаймиз. Карлесон ўлчови тушунчасидан фойдаланиб ўзгарувчан кўрсаткичли Бергман фазоларидаги Тёплиц операторининг чегараланганлигини тавсифлаймиз ва бу орқали Тёплиц операторининг компактлиги йўқолувчи Карлесон ўлчови тушунчаси билан тавсифланишини кўрсатамиз. Бергман проекциясининг Захарюта ва Юдович тасвиридан фойдаланиб ўзгарувчан кўрсаткичли Бергман фазоларида Бергман проекциясининг (яна бир марта) чегараланганлигини кўрсатиш билан (бу усул орқали биз экстраполяция методини қўллаб бўлмайдиган Орлич ва умумлашган ўзгарувчан кўрсаткичли Морри фазоларининг чегараланганлигини исботлаш имконини беради) бобни якунлаймиз.

$A^{p(\cdot)}(\mathbb{D})$ ўзгарувчан кўрсаткичли Бергман фазолари қуйидагича киритилади

$$A^{p(\cdot)}(\mathbb{D}) = \{f \text{ аналитик функция ва } \varrho_{p(\cdot)}(f) < \infty\},$$

бу ерда $\varrho_{p(\cdot)}(f) := \int_{\mathbb{D}} | f(z)|^{p(z)} dA(z)$. Кўрсаткичнинг баъзи шартларида бу фазолар Банах фазоси бўлишини исботлаймиз. Шунингдек, $\gamma_a(f)(z) := f(z)$ баҳолаш функцияси учун баҳони қуйидагича оламиз:

1-теорема. *Айтайлик* $p \in \mathbb{P}(\mathbb{D})$ *берилган бўлсин. У ҳолда ҳар бир* $a \in \mathbb{D}$ *учун* γ_a *баҳолаш функцияси чегараланган. Бундан ташқари қуйидаги тенгсизликлар ўринли*

$$\frac{1}{(1-|a|)^{2/p^+}} \lesssim \| \gamma_a \| \lesssim \frac{1}{(1-|a|)^{2/p^-}}.$$

$p \in \mathbb{P}^{\log}(\mathbb{D})$ бўлганда $A^{p(\cdot)}(\mathbb{D})$ фазодаги кўпҳадларнинг зичлигини ўзгарувчан кўрсаткичли Бергман фазоларидаги функциялар учун аппроксимация теоремасидан фойдаланиб исботлаш мумкин. Аппроксимация теоремаси осон кенгайиш $f_r\colon \frac{1+r}{2r}\mathbb{D} \to \mathbb{C}$ тушунчасига асосланганки, бу тушунча қуйидагича аниқланади

$$f_r(z) := \int_{\mathbb{D}} f\,(rw)\eta_r(z-w)dA(w),$$

бу ерда $\rho\mathbb{D}$ ρ кўпайтувчили комплекс бирлик шар ва η_r эса ташувчиси $\frac{1-r}{2r}\overline{\mathbb{D}}$ бўлган C^∞ функция. $z \mapsto f_r(z)$ функция қуйидаги ажойиб хоссаларга эга: (a) $\frac{1+r}{2}\mathbb{D}$ тўпламда аналитик, (b) $r \to 1^-$ бўлганда $f_r(z) \to f(z)$ ўринли,
(c) $z \in \mathbb{D}$ ва $1/2 < r < 1$ учун $f_r(z) \lesssim Mf(z)$ ўринли, бу ерда M максимал оператор, (d) $z \in \mathbb{D}$ ва $1/2 < r < 1$, учун $f_r(z) \in A^{p(\cdot)}(\mathbb{D})$ ҳамда $r \to 1^-$ бўлганда $\| f_r - f \|_{A^{p(\cdot)}(\mathbb{D})} \to 0$ бажарилади.

P Бергман проекторининг чегараланганлигини ўрганамиз. P қуйидагича аниқланади:

$$Pf(z) = \int_{\mathbb{D}} \frac{f(w)}{(1-\overline{w}z)^2} dA(w).$$

Одатда $P\colon L^p(\mathbb{D}) \to A^p(\mathbb{D})$ операторнинг чегараланганлиги баъзи муҳим опереторларнинг чегараланганлигини кўрсатишда қўл келувчи Шур леммасига асосланиб исботланади. Бизнинг ҳолдаги масаланинг табиатидан келиб чиқиб, Беколли ва Бонамининг классик натижаси ва Рубио де Франсианинг экстраполяция ҳақидаги теоремасидан фойдаланиш методини ишлаб чиқдик.

2-теорема. *Айтайлик* $p \in \mathbb{P}^{log}(\mathbb{D})$ *берилган бўлсин.* $L^{p(\cdot)}(\mathbb{D})$ *фазони* $A^{p(\cdot)}(\mathbb{D})$ *фазога акслантирувчи P Бергман проекцияси чегараланган.*

Бу теоремадан қуйидаги натижа келиб чиқади.

3-теорема. *Айтайлик* $p \in \mathbb{P}^{log}(\mathbb{D})$ *берилган бўлсин. У ҳолда* $A^{p(\cdot)}(\mathbb{D})$ *фазога қўшма фазо* $A^{p'(\cdot)}(\mathbb{D})$ *билан аниқланиши мумкин, бу ерда* $1/p(\cdot) + 1/p'(\cdot) = 1$. *Ҳар бир* $\phi \in (A^{p(\cdot)}(\mathbb{D}))^*$ *функционал* $\parallel \phi \parallel \asymp \parallel g \parallel_{A^{p'(\cdot)}(\mathbb{D})}$ *шартни қаноатлантирувчи бирор* $g \in A^{p'(\cdot)}(\mathbb{D})$ *учун қуйидаги ягона тасвирга эга*

$$\phi(f) = \int_{\mathbb{D}} f\,(z)\overline{g(z)}dA(z).$$

Берилган $\alpha > -1$ учун α-Березин алмаштиришини ҳар бир $f \in L^1(\mathbb{D})$ да қуйидагича аниқлаймиз

$$B_\alpha f(z) := (\alpha + 1)\int_{\mathbb{D}} \frac{(1-|z|^2)^{\alpha+2}(1-|w|^2)^\alpha}{|1-\bar{w}z|^{4+2\alpha}} f(w)dA(w).$$

Ўзгарувчан кўрсаткичли фазоларда α-Березин алмаштиришининг чегараланганлигини ўрганамиз.

4-теорема. *Айтайлик* $p \in \mathbb{P}^{log}(\mathbb{D})$ *берилган бўлсин. У ҳолда* $L^{p(\cdot)}(\mathbb{D})$ *фазосидаги* α*-Березин алмаштириши чегараланган.*

Шунингдек, қуйидаги ядро учун юқори чегарани ҳам беришимиз мумкин

$$k_a(z) = \frac{1}{(1-\bar{a}z)^2}, \qquad a, z \in \mathbb{D}.$$

5-теорема. *Айтайлик* $p \in \mathbb{P}^{log}(\mathbb{D})$ *бўлсин. У ҳолда шундай* $C > 0$ *ўзгармас сон мавжудки, ҳар бир* $a \in \mathbb{D}$ *учун*

$$\parallel k_a^{2/p(a)} \parallel_{A^{p(\cdot)}(\mathbb{D})} \leq \frac{C}{(1-|a|^2)^{2/p(a)}}.$$

тенгсизлик ўринли.

Қуйидаги натижа γ_z функционалнинг нормаси учун аввал олинган баҳолашларни яхшилашга хизмат қиалди.

6-теорема. *Айтайлик* $p \in \mathbb{P}^{log}(\mathbb{D})$ *берилган бўлсин. У ҳолда ҳар бир* $z \in \mathbb{D}$ *учун қуйидаги ўринли*

$$\parallel \gamma_z \parallel \asymp \frac{1}{(1-|z|^2)^{2/p(z)}}.$$

Бу натижа $A^{p(\cdot)}(\mathbb{D})$ қўшма фазодан ва ҳар бир $f \in A^1(\mathbb{D})$ учун k_z, $a \in \mathbb{D}$ функционалнинг $f(z) = \int_{\mathbb{D}} f\,(w)\overline{k_z(w)}dA(w)$ хоссасидан фойдаланиб, унинг нормасини баҳолаш имконини беради. Шундай қилиб, $\parallel \gamma_z \parallel \asymp \parallel k_z \parallel_{A^{p'(\cdot)}(\mathbb{D})}$ эквивалентликнинг бажарилиши келиб чиқади. Бу натижа қуйидаги теоремада ўз аксини топган.

7-теорема. *Айтайлик* $p \in \mathbb{P}^{log}(\mathbb{D})$ *берилган бўлсин. У ҳолда ҳар бир* $z \in \mathbb{D}$ *учун*

$$\| k_z \|_{A^{p(\cdot)}(\mathbb{D})} \asymp \frac{1}{(1-|z|^2)^{2(1-1/p(z))}}$$

ўринли.

Ўзгарувчан кўрсаткичли Лебег фазолари учун мослаштирилган Карлесон ўлчовини киритамиз. Агар $A^{p(\cdot)}(\mathbb{D})$ ўзгарувчан кўрсаткичли Бергман фазоси $L^{p(\cdot)}(\mathbb{D},\mu)$ фазода узлуксиз ётса, яъни $A^{p(\cdot)}(\mathbb{D}) \hookrightarrow L^{p(\cdot)}(\mathbb{D},\mu)$ у ҳолда мусбат μ Борел ўлчовига ўзгарувчан кўрсаткичли Бергман фазоси учун Карлесон ўлчови дейилади.

8-теорема. *Айтайлик $\mathbb{D}$ шарда чекли, мусбат μ Борел ўлчови ва $p \in \mathbb{P}^{log}(\mathbb{D})$ берилган бўлсин. У ҳолда μ ўлчов $A^{p(\cdot)}(\mathbb{D})$ фазода Карлесон ўлчови бўлиши учун шундай $C > 0$ ва $0 < r < 1$ ўзгармас сонлари топилиб, ҳар бир $a \in \mathbb{D}$ учун $\mu(D_r(a)) \leq C|D_r(a)|$ ўринли бўлиши зарур ва етарли, бу ерда $D_r(a)$ псевдо-гиперболик шар.*

Агар $A^{p(\cdot)}(\mathbb{D})$ ўзгарувчан кўрсаткичли Бергман фазоси $L^{p(\cdot)}(\mathbb{D},\mu)$ фазода компакт ётса, у ҳолда мусбат μ Борел ўлчовига ўзгарувчан кўрсаткичли Бергман фазоси учун йўқолувчи Карлесон ўлчови дейилади.

9-теорема. *Айтайлик $\mathbb{D}$ шарда чекли, мусбат μ Борел ўлчови ва $p \in \mathbb{P}^{log}(\mathbb{D})$ берилган бўлсин. У ҳолда μ ўлчов $A^{p(\cdot)}(\mathbb{D})$ фазода Карлесон ўлчови бўлиши учун шундай ҳар бир $0 < r < 1$ сон олинганда ҳам $|a| \to 1^-$ бўлганда $\frac{\mu(D_r(a))}{|D_r(a)|} \to 0$ ўринли бўлиши зарур ва етарли.*

Берилган $\varphi \in L^1(\mathbb{D})$ функция учун кўпҳадлар тўпламида T_φ Тёплиц операторини қуйидагича аниқлаймиз

$$T_\varphi f(z) = \int_{\mathbb{D}} f(w) k_w(z) \varphi(w) dA(w).$$

Карлесон ўлчови ёрдамида Тёплиц операторининг чегараланганлигини тавсифловчи қуйидаги муҳим теорема исботланди.

10-теорема. *Айтайлик $p \in \mathbb{P}^{log}(\mathbb{D})$ ва $\varphi \in L^1(\mathbb{D})$ берилган бўлсин. Мусбат μ ўлчов $d\mu = \varphi dA$ тенгликни қаноатлантирсин. У ҳолда қуйидаги тасдиқлар тенг кучли:*

1. *T_φ оператор $A^{p(\cdot)}(\mathbb{D})$ да чегараланган;*
2. *$B\varphi$ оператор $\mathbb{D}$ шарда чегараланган;*
3. *μ ўлчов $A^{p(\cdot)}(\mathbb{D})$ учун Карлесон ўлчовидир.*

Юқоридаги теоремадаги метод орқали Тёплиц операторининг компактлигини йўқолувчи Карлесон ўлчови ёрдамида тавсифлаш мумкин.

11-теорема. *Айтайлик $p \in \mathbb{P}^{log}(\mathbb{D})$ ва $\varphi \in L^1(\mathbb{D})$ берилган бўлсин. Мусбат μ ўлчов $d\mu = \varphi dA$ тенгликни қаноатлантирсин. У ҳолда қуйидаги тасдиқлар тенг кучли:*

1. *T_φ оператор $A^{p(\cdot)}(\mathbb{D})$ да компакт.*
2. *$|z| \to 1^-$ бўлганда $B\varphi(z) \to 0$ ўринли.*
3. *μ ўлчов $A^{p(\cdot)}(\mathbb{D})$ да Карлесон ўлчови.*

Шунингдек, Бергман проекцияси тасвирининг Калдерон-Зигмунд сингуляр оператори ёрдамидаги ифодаси ва Калдерон-Зигмунд сингуляр операторининг чегараланганлигидан фойдаланиб Бергман проекциясининг чегараланганлигини исботлаймиз:

$$Pf(z) = K_1 f(z) + K_2 f(z),$$

бу ерда K_1 қуйидаги интеграл оператор

$$K_1(z,w) = \left(\chi_{D\left(\frac{0,1}{2}\right)}(z) + \chi_{D(0,1)\setminus D\left(\frac{0,1}{2}\right)}(z)\chi_{D\left(\frac{0,1}{2}\right)}(w)\right)k_w(z),$$

ва

$$K_2 f(z) = \chi_{D(0,1)\setminus D(0,1/2)}(z)\int_{D(0,2)\setminus D(0,1)} \frac{\Omega\left(\frac{\zeta - z}{|\zeta - z|}\right)}{|\zeta - z|^2} g(\zeta)dA(\zeta),$$

$$g(\zeta) = Qf(\zeta)\frac{\zeta^2}{|\zeta|^4},\ \ \zeta \in D_2.$$

Ушбу бобни баъзи изоҳлар ва бўлимгдаги натижалар олинган ишларга иқтибос билан якунлаймиз. Натижалар [5, 6], [7] ва [8] ишларда ўз ифодасини топган.

«**Морри типидаги ностандарт фазолар**» деб номланган учинчи боб (баъзан умумлашган катта Морри фазолари деб ҳам аталувчи) катта Морри фазоларига киришга бағишланган бўлиб, фазони аниқлашдаги ҳар икки параметр катталаштириш жараёнининг предмети ҳисобланади. Морри фазоларидаги баъзи операторларнинг чегараланганлиги ҳақидаги теоремаларнинг янги киритилган фазолардаги муқобили бўлган метатеоремалар исботланди. Шунингдек, ўлчов аниқланган квазиметрик фазоларда Харди-Литтлвуд максимал оператори, Калдерон-Зигмунд оператори ва Рисс типидаги потенциал операторларнинг чегараланганлиги исботланди.

Берилган $1 \leq p < \infty$ ва $0 \leq \lambda < 1$ учун $L^{p,\lambda}(\Omega)$ ўлчовли функцияларнинг Морри фазоси қуйидагича аниқланади

$$\| f \|_{L^{p,\lambda}(\Omega)} := \sup_{\substack{x\in\Omega\\ 0<r\leqslant d}} \left(\frac{1}{|B(x,r)|^{\lambda}}\int_{\Omega(x,r)} |f(y)|^p \mathrm{d}y\right)^{\frac{1}{p}} < \infty$$

бу ерда d = diam Ω ва $\Omega(x,r) := \Omega \cap B(x,r)$. Берилган $\theta > 0$, $\alpha \geq 0$, $1 < p < \infty$, ва $0 \leq \lambda < 1$ учун қуйидаги функционални қараймиз:

$$\Phi^{p,\lambda}_{\theta,\alpha}(f,s) := \sup\nolimits_{0<\varepsilon<s} \varepsilon^{\frac{\theta}{p-\varepsilon}} \| f \|_{L^{p-\varepsilon,\lambda-\alpha\varepsilon}(\Omega)},$$

бу ерда $0 < s < \min\{p-1, \lambda/\alpha\}$ (бнуда қулайлик учун $\alpha = 0$ бўлганда ҳар қандай λ сонда $\lambda/\alpha := \infty$ деб оламиз).

Айтайлик $1 < p < \infty$, $\theta > 0$, $\alpha \geq 0$, ва $0 \leq \lambda < 1$ бўлсин. $L^{p),\lambda)}_{\theta,\alpha}(\Omega)$ билан чекли нормага эга ўлчовли функциялар фазосини белгилаймиз:

$$\| f \|_{L^{p),\lambda)}_{\theta,\alpha}(\Omega)} : \ = \Phi^{p,\lambda}_{\theta,\alpha}(f, s_{\max}), \qquad s_{\max} = \min\left\{p-1, \frac{\lambda}{\alpha}\right\}.$$

$L^{p),\lambda)}_{\theta,\alpha}(\Omega)$ фазони *катта Морри фазоси* деб атаймиз.

Берилган $p, \theta, \lambda, \alpha, f$ параметрлар учун $s \mapsto \Phi^{p,\lambda}_{\theta,\alpha}(f, s)$ камаймайдиган функция. $\sigma < s$ бўлганда $\Phi^{p,\lambda}_{\theta,\alpha}(f, s)$ ни $\Phi^{p,\lambda}_{\theta,\alpha}(f, \sigma)$ орқали қандай баҳоланишини қуйидаги леммада берамиз.

13-лемма. *Айтайлик Ω чегараланган очиқ тўплам бўлсин.* $0 < \sigma < s < min\left\{p-1, \frac{\lambda}{\alpha}\right\}$ *учун қуйидаги тенгсизлик ўринли*

$$\Phi^{p,\lambda}_{\theta,\alpha}(f, s) \le Cs^{\frac{\theta}{p-s}}\sigma^{-\frac{\theta}{p-\sigma}}\Phi^{p,\lambda}_{\theta,\alpha}(f, \sigma),$$

бу ерда C сони n сонига, $p, \lambda, \theta, \alpha$ параметрларга ва d диаметрга боғлиқ бўлиб,, f, s, ва σ ларга боғлиқ эмас.

Бу леммадан қуйидаги натижа келиб чиқади.

14-лемма. $0 < \sigma < min\{p-1, \frac{\lambda}{\alpha}\}$ *учун қуйидаги тенгсизлик бажарилади*

$$\| f \|_{L^{p),\lambda)}_{\theta,\alpha}(\Omega)} \le C\frac{\Phi^{p,\theta}_{\lambda,\alpha}(f, \sigma)}{\sigma^{\frac{\theta}{p-\sigma}}},$$

бу ерда C сони n сонига, $p, \lambda, \theta, \alpha$ параметрларга ва d диаметрга боғлиқ бўлиб,, f ва σ ларга боғлиқ эмас.

Қуйидаги лемма кенг татбиқ этилувчи муҳим натижалардан бири ҳисобланади.

15-лемма. *Айтайлик U оператор (чизиқли бўлиши шарт эмас!) $L^{p-\varepsilon,\lambda-\alpha\varepsilon}(\Omega)$ Морри фазосида чегараланган бўлсин, яъни* $0 < \sigma < min\left\{p-1, \frac{\lambda}{\alpha}\right\}$ *сон ва етарлича кичик $\varepsilon \in (0, \sigma)$ сонлар учун*

$$\| Uf \|_{L^{p-\varepsilon,\lambda-\alpha\varepsilon}(\Omega)} \le C_{p-\varepsilon,\lambda-\alpha\varepsilon} \| f \|_{L^{p-\varepsilon,\lambda-\alpha\varepsilon}(\Omega)}$$

тенгсизлик ўринли. Агар $sup_{0<\varepsilon<\sigma}C_{p-\varepsilon,\lambda-\alpha\varepsilon} < \infty$ бажарилса, у ҳолда U оператор $L^{p),\lambda)}_{\theta,\alpha}(\Omega)$ катта Морри фазосида ҳам чегараланган, яъни

$$\| Uf \|_{L^{p),\lambda)}_{\theta,\alpha}(\Omega)} \le C \| f \|_{L^{p),\lambda)}_{\theta,\alpha}(\Omega)}$$

ва

$$C = \frac{C_0}{\sigma^{\frac{\theta}{p-\sigma}}} \sup_{0<\varepsilon<\sigma} C_{p-\varepsilon,\lambda-\alpha\varepsilon},$$

бу ерда C_0 сони $n, p, \lambda, \theta, \alpha$ ва d сонларига боғлиқ, лекин σ га боғлиқ эмас.

Юқоридаги натижа ва классик Морри фазосидаги чегараланганлик ҳақидаги маълум натижаларга асосланиб қуйидаги теоремани ёзиш мумкин.

16-теорема. *Айтайлик* $1 < p < \infty$, $\theta > 0$, $\alpha \ge 0$ *ва* $0 \le \lambda < 1$ *берилган бўлсин. У ҳолда Харди-Литтлвуд максимал оператори $L^{p),\lambda)}_{\theta,\alpha}(\Omega)$ катта Морри фазосида чегараланган бўлади.*

17-теорема. *Айтайлик* $1 < p < \infty$, $\theta > 0$ *ва* $0 < \lambda < 1$ *берилган бўлсин. У ҳолда стандарт ядроли* T *Калдерон-Зигмунд оператори* $L_{\theta,\alpha}^{p),\lambda)}(\Omega)$ *катта Морри фазосида чегараланган бўлади.*

Биржинслилик типи бўйича ҳам катта Морри фазосини киритамиз. Бунинг учун баъзи таърифларни бериб ўтиш керак. $X := (X, d, \mu)$ шундай μ тўла ўлчов берилган топологик фазо бўлсинки, ташувчиси компакт бўлган узлуксиз функциялар фазоси $L^1(X, \mu)$ фазода зич ва d эса квазиметрика, яъни $X \times X$ даги номанфий ҳақиқий қийматли d функцияки, қуйидаги хоссаларга эга:

1. $d(x, y) = 0 \Leftrightarrow x = y$;
2. ҳар бир $x, y, z \in X$ учун шундай $C_t > 0$ ўзгармас сон мавжудки, $d(x, y) \le C_t[d(x, z) + d(z, y)]$ ўринли;
3. ҳар бир $x, y \in X$ учун шундай $C_s > 0$ сон мавжудки, $d(x, y) \le C_s \cdot d(y, x)$, ўринли.

X нинг $B(x, r)$ d-шарларини ўзида сақловчи қисм тўпламларининг σ-алгебрасида μ ўлчов берилган бўлсин. Ҳар қандай шар чекли ўлчовга эга деб оламиз, яъни $\mu B(x, r) < \infty$ ва ҳар бир $x \in X$ нинг иҳтиёрий V атрофи учун шундай $r > 0$ сон топиладики, $B(x, r) \subset V$ ўринли. Агар x ва r ларга боғлиқ бўлмаган $\alpha, \beta, c > 0$ сонлар топилиб, $\mu B(x, r) \ge cr^{\alpha}$ бажарилса, μ ўлчовни *қуйи α-Алфорс регуляр*, агар $\mu B(x, r) \le cr^{\beta}$ бажарилса, бу ўлчовни *юқори β-Алфорс регуляр дейилади*. Агар $\alpha = \beta$ бўлса, μ ўлчовга *α-Алфорс регуляр* дейилади.

Агар μ ўлчов иккиланганлик шартини қаноатлантирса, (X, d, μ) учликка биржинсли типдаги фазо дейилади ва қисқача БТФ каби ёзилади.

$1 \le p < \infty$ ва $0 \le \lambda < 1$ учун $L^{p,\lambda}(X, \mu)$ Морри фазоси ўлчовли функциялар фазоси сифатида қуйидагича киритилади

$$\| f \|_{L^{p,\lambda}(X,\mu)} := \sup_{\substack{x \in X \\ 0<r<d_X}} \left(\frac{1}{\mu B(x, r)^{\lambda}} \int_{B(x,r)} | f(y)|^p d\mu(y) \right)^{\frac{1}{p}} < \infty.$$

Баъзан, юқоридаги Морри фазосининг модификациясини ҳам қараймиз, яъни $\mathcal{L}^{p,\lambda}(X, \mu)$ фазо қуйидагича аниқланади

$$\| f \|_{\mathcal{L}^{p,\lambda}(X,\mu)} := \sup_{\substack{x \in X \\ 0<r<d_X}} \left(\frac{1}{r^{\gamma\lambda}} \int_{B(x,r)} | f(y)|^p d\mu(y) \right)^{\frac{1}{p}} < \infty.$$

Биз ҳар доим μ ўлчовни юқори γ-Алфорс регуляри деб оламиз.

БТФ сифатида катта Морри фазоси киритилганидан кейин Евклид фазоларида бўлгани каби редукция леммалари БТФ учун ҳам ўринли эканлигини кўрсатамиз. $[0, \ell]$ да берилган ҳақиқий қийматли номанфий φ функция учун шундай $C \ge 0$ сон топилиб, барча $x \le y$ қийматларда $\varphi(x) \le C\varphi(y)$ ўринли бўлса, бу функцияга *деярли ўсувчи* дейилади. Қуйидаги функционални қараймиз

$$\Phi_{\varphi,A}^{p,\lambda}(f,s) := \sup_{0<\varepsilon<s} \varphi(\varepsilon)^{\frac{1}{p-\varepsilon}} \parallel f \parallel_{L^{p-\varepsilon,\lambda-A(\varepsilon)}(X,\mu)}.$$

18-таъриф. *Айтайлик* $1 < p < \infty$, $0 \leq \lambda < 1$ *сонлар берилган бўлиб* φ *мусбат чегараланган функция* $lim_{t\to 0+}\varphi(t) = 0$ *шартни қаноатлантирсин. Шунингдек,* A *ҳақиқий қийматли камаймайдиган номанфий функция учун* $lim_{x\to 0+}A(x) = 0$ *ўринли бўлсин.* $L_{\varphi,A}^{p),\lambda)}(X,\mu)$ *билан ўлчовли функцияларнинг шундай фазосини белгилаймизки, улар қуйидаги чекли нормага эга*

$$\parallel f \parallel_{L_{\varphi,A}^{p),\lambda)}(X)} := \Phi_{\varphi,A}^{p,\lambda}(f,s_{max}), \quad s_{max} = min\{p-1,a\}$$

бу ерда $a = sup\{x > 0 : A(x) \leq \lambda\}$.

Берилган $p,\theta,\lambda,\alpha,f$ параметрлар учун $s \mapsto \Phi_{\theta,\alpha}^{p,\lambda}(f,s)$ камаймайдигпн функция. $\sigma < s$ бўлганда $\Phi_{\theta,\alpha}^{p,\lambda}(f,s)$ ни $\Phi_{\theta,\alpha}^{p,\lambda}(f,\sigma)$ орқали қандай баҳоланишини қуйидаги леммада берамиз.

19-лемма. $0 < \sigma < s < s_{max}$ *учун қуйидаги тенгсизлик ўринли*

$$\Phi_{\varphi,A}^{p,\lambda}(f,s) \leq C\varphi(\sigma)^{-\frac{1}{p-\sigma}}\Phi_{\varphi,A}^{p,\lambda}(f,\sigma),$$

бу ерда C *сони* γ *сонига,* p,λ,φ,A *параметрларга ва* d_X *диаметрга боғлиқ, лекин* $f,s,$ *ва* σ*ларга боғлиқ эмас.*

20-лемма. $0 < \sigma < s_{max}$, *учун Таъриф 18 даги норма учун қуйидаги тенгсизлик ўринли*

$$\parallel f \parallel_{L_{\varphi,A}^{p),\lambda)}(X)} \leq C\frac{\Phi_{\varphi,A}^{p,\lambda}(f,\sigma)}{\varphi(\sigma)^{\frac{1}{p-\sigma}}},$$

бу ерда C *сони* $\gamma,p,\lambda,\varphi,A$ *ва* d_X *ларга боғлиқ, лекин* f *ва* σ *ларга боғлиқ эмас.*

Чегараланганлиқ ҳақидаги қуйидаги натижа олинди.

21-лемма. *Айтайлик* U *оператор (қисман чизиқли бўлиши шарт эмас!) Морри фазосида чегараланган бўлсин, яъни* $0 < \sigma < s_{max}$ *сон ва етарлича кичик* $\varepsilon \in (0,\sigma]$ *сонлар учун*

$$\parallel Uf \parallel_{L^{q-\varepsilon,\lambda-A_2(\varepsilon)}(X)} \leq C_{p-\varepsilon,\lambda-A_1(\varepsilon),q-\varepsilon,\lambda-A_2(\varepsilon)} \parallel f \parallel_{L^{p-\varepsilon,\lambda-A_1(\varepsilon)}(X)}$$

тенгсизлик ўринли.

Агар

$$\sup_{0<\varepsilon<\sigma} C_{p-\varepsilon,\lambda-A_1(\varepsilon),q-\varepsilon,\lambda-A_2(\varepsilon)} < \infty$$

ва

$$\sup_{0<\varepsilon<\sigma} \frac{\psi(\varepsilon)^{\frac{1}{q-\varepsilon}}}{\varphi(\varepsilon)^{\frac{1}{p-\varepsilon}}} < \infty,$$

бажарилса, у ҳолда бу оператор катта Морри фазосида ҳам чегараланган, яъни

$$\parallel Uf \parallel_{L_{\psi,A_2}^{q),\lambda)}(X)} \leq C \parallel f \parallel_{L_{\varphi,A_1}^{p),\lambda)}(X)},$$

$$C = \frac{C_0}{\varphi(\sigma)^{\frac{1}{p-\sigma}}} \sup_{0<\varepsilon<\sigma} C_{p-\varepsilon,\lambda-A_1(\varepsilon),q-\varepsilon,\lambda-A_2(\varepsilon)},$$

бу ерда C_0 *сони* $\gamma, p, \lambda, \varphi, A$ *ва* d_X *сонларига боғлиқ, лекин* σ *ва* f *га боғлиқ эмас.*

21-лемманинг натижаси сифатида Калдерон-Зигмунд оператори ва Харди-Литтлвуд максимал операторининг чегараланганлигини исботлаймиз.

22-теорема. *Айтайлик* $1 < p < \infty$ *ва* $0 \leq \lambda < 1$ *берилган бўлсин. У ҳолда* $L_{\varphi,A}^{p),\lambda)}(X,\mu)$ *дан* $L_{\psi,A}^{p),\lambda)}(X,\mu)$ *га акслантирувчи Харди-Литтлвуд максимал оператори чегараланган бўлиши учун етарлича кичик* σ *сони топилиб,* $sup_{0<\varepsilon<\sigma}\psi(\varepsilon)^{\frac{1}{q-\varepsilon}}/\varphi(\varepsilon)^{\frac{1}{p-\varepsilon}} < \infty$ *бажарилиши зарур ва етарли.*

23-теорема. *Айтайлик* $1 < p < \infty$ *ва* $0 < \lambda < 1$ *берилган бўлсин. У ҳолда* $L_{\varphi,A}^{p),\lambda)}(X,\mu)$ *катта Морри фазосидаги* T *Калдерон-Зигмунд операторининг чегараланган бўлади.*

Катта Морри фазосининг модификациясини қуйидагича аниқлаймиз

$$\| f \|_{\mathcal{L}_{\varphi,A}^{p),\lambda)}(X,\mu)} := \sup_{0<\varepsilon<s_{\max}} \varphi(\varepsilon)^{\frac{1}{p-\varepsilon}} \| f \|_{\mathcal{L}^{p-\varepsilon,\lambda-A(\varepsilon)}(X,\mu)}$$

бу ерда $s_{\max} = \min\{p-1, a\}$ ва $a = \sup\{x > 0 : A(x) \leq \lambda\}$. Агар θ мусбат сон учун $\varphi(\varepsilon) := \varepsilon^{\theta}$ бўлса, $\| f \|_{\mathcal{L}_{\varphi,A}^{p),\lambda)}(X,\mu)} =: \| f \|_{\mathcal{L}_{\theta,A}^{p),\lambda)}(X,\mu)}$ деб оламиз.

24-таъриф. *Кичик* δ *учун* $(0,\delta]$ *қуйидаги функцияларни аниқлаймиз:*

$$\bar{\phi}(x) := p + \frac{\gamma(x-q)(1-\lambda+A_2(x))}{\gamma(1-\lambda+A_2(x)) - \alpha(x-q)},$$

$$\tilde{\phi}(x) := q - \frac{\gamma(p-x)(1-\lambda+A_1(x))}{\gamma(1-\lambda+A_1(x)) - \alpha(p-x)}$$

$$\bar{A}(x) = 1 - \frac{\alpha(x-q)}{\gamma\big(1-\lambda+A_2(x)\big)}, \qquad \tilde{A}(x) = \frac{1-\lambda+A_1(\eta)}{\gamma(1-\lambda+A_1(\eta)) - (p-\eta)\alpha}$$

$$\phi(x) := \bar{\phi}(x)^{\bar{A}(x)}, \quad \Phi(x) := \tilde{\phi}(x)^{\tilde{A}(x)}, \quad \psi(\varepsilon) = \phi(\varepsilon^{\theta_1}), \quad \Psi(\varepsilon) = \Phi(\varepsilon^{\theta_1}),$$

бу ерда $\theta_1 > 0$.

Энди Рисс потенциал операторининг чегараланганлиги ҳақидаги натижани келтириб ўтамиз.

25-теорема. *Айтайлик* $1 < p < \infty$, $0 < \alpha < ((1-\lambda)\gamma)/p$, $0 < \lambda < 1$, $1/p - 1/q = \alpha/((1-\lambda)\gamma)$ *берилган бўлсин. Шунингдек,* $\theta_1 > 0$ *ва* $\theta_2 \geq \theta_1 \left[1 + \frac{\alpha q}{(1-\lambda)\gamma}\right]$ *берилган.* A_1 *ва* A_2 *функциялар мос равишда* $(0, p-1]$ *ва* $(0, q-1]$ *интервалларда аниқланган номанфий узлуксиз функциялар бўлиб, қуйидаги хоссаларга эга бўлсин:*

1. *Бирор* $\delta > 0$ *сон учун* $A_2 \in C^1((0,\delta])$;
2. $lim_{x\to 0+} A_2(x) = 0$;
3. $0 \leqslant B := \lim\limits_{x\to 0+} \frac{dA_2}{dx}(x) < \frac{(1-\lambda)^2}{\alpha q^2}$

4. $A_1(\eta) = A_2(\bar{\phi}^{-1}(\eta))$, *бу ерда* $\bar{\phi}^{-1}$ *бирор* $\delta > 0$ *сон учун* $(0,\delta]$ *интервалдаги* $\bar{\phi}$ *функциянинг тескариси.*

У ҳолда I^{α} *Рисс потенциал оператори* $\left(\mathcal{L}^{p),\lambda)}_{\theta_1,A_1}(X,\mu) \to \mathcal{L}^{q),\lambda)}_{\theta_2,A_2}(X,\mu)\right)$*-чегараланган.*

26-натижа. *Айтайлик* $1 < p < \infty$, $0 < \alpha < 1$, $0 < \lambda < 1 - \alpha p$, $\frac{1}{p} - \frac{1}{q} = \frac{\alpha}{1-\lambda}$ *берилган бўлсин. Шунингдек,* $\theta_1 > 0$ *ва* $\theta_2 > \theta_1(1 + \frac{\alpha q}{1-\lambda})$ *берилган.Агар* $\alpha < (1-\lambda)^2/(\alpha q^2)$ *шартни қаноатлантирувчи* α *номанфий сон учун* $A_2(x) = \alpha x$ *ва* $A_1(x) = \alpha\bar{\phi}^{-1}(x)$ *бўлса, у ҳолда* I^{α} *оператор* $\left(\mathcal{L}^{p),\lambda)}_{\theta_1,A_1}(X,\mu) \to \mathcal{L}^{q),\lambda)}_{\theta_2,A_2}(X,\mu)\right)$*-чегараланган.*

27-теорема. *Айтайлик* $1 < p < \infty$, $0 < \alpha < 1$, $0 < \lambda < 1 - \alpha p$, $\frac{1}{p} - \frac{1}{q} = \frac{\alpha}{1-\lambda}$ *берилган бўлсин. Шунингдек* $\theta_1 > 0$ *ва* $\theta_2 > \theta_1(1 + \frac{\alpha q}{1-\lambda})$ *берилган.* A_1 *ва* A_2 *функциялар мос равишда* $(0, p-1]$ *ва* $(0, q-1]$ *интерваллардаги номанфий узлуксиз функциялар бўлиб, қуйидаги хоссаларга эга бўлсин:*

1. *Бирор* $\delta > 0$ *учун* $A_1 \in C^1((0,\delta])$*;*
2. $lim_{x\to 0+}A_1(x) = 0$;
3. $B_1 := lim_{x\to 0+}\frac{dA_1}{dx}(x) \geq 0$;
4. *Бирор* $\delta > 0$ *учун* $(0,\delta]$ *интервалда* $A_2(x) = A_1(\tilde{\phi}^{-1}(x))$ *ўринли.*

У ҳолда I^{α} *Рисс потенциал оператори* $\left(\mathcal{L}^{p),\lambda)}_{\theta_1,A_1}(X,\mu) \to \mathcal{L}^{q),\lambda)}_{\theta_2,A_2}(X,\mu)\right)$*-чегараланган.*

Ўлчов ёрдамида аниқланган Рисс типидаги потенциал оператор деганда қуйидаги операторни тушунамиз

$$I^{\alpha}_{\mu}f(x) := \int_X \frac{f(y)}{\mu(x, d(x,y))^{1-\alpha}}d\mu(y)$$

бу ерда $0 < \alpha < 1$.

Бундай операторлар учун қуйидаги натижа олинди.

28-теорема. *Айтайлик* $1 < p < \infty$, $0 < \alpha < (1-\lambda)/p$, $0 < \lambda < 1$, $1/p - 1/q = \alpha/(1-\lambda)$ *берилган бўлсин. Шунингдек,* $\theta_1 > 0$ *ва* $\theta_2 \geq \theta_1\left(1 + \frac{\alpha q}{1-\lambda}\right)$ *берилган.* A_1 *ва* A_2 *функциялар мос равишда* $(0, p-1]$ *ва* $(0, q-1]$ *интерваллардаги номанфий узлуксиз функциялар бўлиб, қуйидаги хоссаларга эга бўлсин:*

1. *Бирор* $\delta > 0$ *учун* $A_2 \in C^1((0,\delta])$;
2. $lim_{x\to 0+}A_2(x) = 0$;
3. $0 \leqslant B := \lim\limits_{x\to 0+}\frac{d}{dx}A_2(x) < \frac{(1-\lambda)^2}{\alpha q^2}$
4. $A_1(\eta) = A_2(\bar{\phi}^{-1}(\eta))$, *бу ерда* $\bar{\phi}^{-1}$ *бирор* $\delta > 0$ *сон учун* $(0,\delta]$ *интервалдаги* $\bar{\phi}$ *функциянинг тескариси.*

У ҳолда I^{α} Рисс потенциал оператори $\left(L^{p),\lambda)}_{\theta_1,A_1}(X,\mu)-L^{q),\lambda)}_{\theta_2,A_2}(X,\mu)\right)$*-чегараланган.*

Шунингдек, биз поетнциал операторларни биржинсли бўлмаган фазоларда ҳам ўрганамиз. (X,d,μ) шундай μ тўла ўлчов берилган топологик фазо бўлсинки, ташувчиси компакт бўлган узлуксиз функциялар фазоси $L^1(X,\mu)$ фазода зич ва d квазиметрика эса стандарт шартларни қаноатлантирсин. Биз ҳар доим $d_X \equiv \operatorname{diam}(X) < \infty$ деб оламиз. Шунингдек, μ ўлчов иккиланганлик шартини қаноатлантирмайди деб ҳисоблаймиз!

Қуйидаги операторни қараймиз

$$(K_\alpha f)(x) = \int_X \frac{f(y)}{d(x,y)^{1-\alpha}}d\mu(y),$$

бу ерда $0 < \alpha < 1$.

Шунингдек, бизга X да қуйидагича модификацияланган максимал оператор керак бўлади

$$(\widetilde{M}f)(x) = \sup_{r>0}\frac{1}{\mu B(x_0,N_0 r)}\int_{B(x,r)}|f(y)|d\mu(y),$$

бу ерда $N_0 = C_t(1+2C_s)$ ҳамда C_s ва C_t ўзгармаслар d квазиметриканинг аниқланишидаги сонлардир. Бирор b ўзгармас сонни оламиз. $B \equiv B(x,r)$ шар учун bB орқали $B(x,br)$ шарни ёзамиз.

Бизнинг тадқиқотларимизда самарали бўлган модификацияланган Морри фазоларини аниқлаймиз.

29-таъриф. *Айтайлик* $1 < p < \infty$ *ва* $0 \le \lambda < 1$ *берилган бўлсин. Шунингдек, мусбат ўзгармас* a *сони берилган.* $L^{p,\lambda}(X,\mu)_a$ *билан норма қуйидагича аниқланган модификацияланган Морри фазосини белгилаймиз*

$$\| f \|_{L^{p,\lambda}(X,\mu)_a} = \sup_{x\in X,0<r}\left(\frac{1}{\mu(aB)^{\lambda}}\int_{B(x,r)}|f(y)|^p d\mu(y)\right)^{\frac{1}{p}}.$$

$L^{p),\lambda)}_{\theta_1,A_1}(X,\mu)_{N_0}$фазони $L^{q),\lambda)}_{\theta_2,A_2}(X,\mu)_{N_0\overline{a}}$ фазога акслантирувчи K_α операторнинг чегараланганлигини ўрганамиз. Бу ерда $L^{p),\lambda)}_{\theta,A}(X,\mu)_a$ фазо қуйидаги норма билан аниқланади

$$\| f \|_{L^{p),\lambda)}_{\theta,A}(X,\mu)_a} = \sup_{0<\varepsilon\le p-1}\sup_{x,r}\left[\frac{\varepsilon^{\theta}}{\mu B(x,ar)}\int_{B(x,r)}|f(y)|^{p-\varepsilon}d\mu(y)\right]^{\frac{1}{p-\varepsilon}}.$$

30-теорема. *Айтайлик* $1 < p < \infty$, $0 < \alpha < (1-\lambda)/p$, $0 < \lambda < 1$, $1/p - 1/q = \alpha/(1-\lambda)$ *берилган бўлсин. Шунингдек,* $\theta_1 > 0$ *ва* $\theta_2 \ge \theta_1(1+\alpha q/(1-\lambda))$ *берилган.* A_1 *ва* A_2 *функциялар мос равишда* $(0,p-1]$ *ва* $(0,q-1]$ *интерваллардаги номанфий узлуксиз функциялар бўлиб, қуйидаги хоссаларга эга бўлсин:*

1. *Бирор* $\delta > 0$ *учун* $A_2 \in C^1((0,\delta])$;
2. $lim_{x\to 0+}A_2(x) = 0$;

3. $0 \leqslant B := \lim\limits_{x\to 0+} \frac{d}{dx} A_2(x) < \frac{(1-\lambda)^2}{\alpha q^2}$
4. $A_1(\eta) = A_2(\bar{\phi}^{-1}(\eta))$, *бу ерда* $\bar{\phi}^{-1}$ *бирор* $\delta > 0$ *сон учун* $(0, \delta]$ *интервалдаги* $\bar{\phi}$ *функциянинг тескариси*.

У ҳолда K^α *потенциал оператор* $\left(L^{p),\lambda)}_{\theta_1,A_1}(X,\mu)_{N_0} \to L^{q),\lambda)}_{\theta_2,A_2}(X,\mu)_{N_0\overline{a}}\right)$-*чегараланган.*

31-лемма. *Uва Λ операторлар (қисман чизиқли бўлиши шарт эмас) Морри фазосида $0 < \sigma < s_{max}$ учун ихтиёрий етарлича кичик $\varepsilon \in (0, \sigma]$ сон олинганда ҳам қуйидаги муносабатни қаноатлантирсин*

$$\| Uf \|_{L^{q-\varepsilon,\lambda-A_2(\varepsilon)}(X)} \leq C_{p-\varepsilon,\lambda-A_1(\varepsilon),q-\varepsilon,\lambda-A_2(\varepsilon)} \| \Lambda f \|_{L^{p-\varepsilon,\lambda-A_1(\varepsilon)}(X)}.$$

Агар

$$\sup_{0<\varepsilon<\sigma} C_{p-\varepsilon,\lambda-A_1(\varepsilon),q-\varepsilon,\lambda-A_2(\varepsilon)} < \infty$$

ва

$$\sup_{0<\varepsilon<\sigma} \frac{\psi(\varepsilon)^{\frac{1}{q-\varepsilon}}}{\varphi(\varepsilon)^{\frac{1}{p-\varepsilon}}} < \infty,$$

ўринли бўлса, у ҳолда катта Морри фазосида қуйидаги муносабатлар ўринли

$$\| Uf \|_{L^{q),\lambda)}_{\psi,A_2}(X)} \leq C \| \Lambda f \|_{L^{p),\lambda)}_{\varphi,A_1}(X)}$$

$$C = \frac{C_0}{\varphi(\sigma)^{\frac{1}{p-\sigma}}} \sup_{0<\varepsilon<\sigma} C_{p-\varepsilon,\lambda-A_1(\varepsilon),q-\varepsilon,\lambda-A_2(\varepsilon)},$$

бу ерда C_0 сони $\gamma, p, \lambda, \varphi, A$ ва d_X ларга боғлиқ, лекин σ ва fга боғлиқ эмас.

$\mathcal{D}(X)$ билан барча чегараланган функциялар тўпламини белгилаймиз.

32-теорема. *Айтайлик $1 < p < \infty$, $\theta > 0$ ва $0 < \lambda < 1$ берилган бўлсин. Шунингдек, T Калдерон-Зигмунд оператори ва $b \in BMO(X)$ берилган. У ҳолда $[b, T]$ коммутатор оператори $L^{p),\lambda)}_{\theta,A(\cdot)}(X,\mu) \cap \mathcal{D}(X)$ тўпламда чегараланган.*

33-теорема. *I^α потенциал оператор ва M максимал оператор берилган бўлсин. Шунингжек, $1 < p < \infty$, $0 < \alpha < (1-\lambda)/p$, $0 < \lambda < 1$, $1/p - 1/q = \alpha/(1-\lambda)$, $\theta_1 > 0$ ва $\theta_2 \geq \theta_1[1 + \alpha q/(1-\lambda)]$ сонлар берилган. A_1 ва A_2 функциялар мос равишда $(0, p-1]$ ва $(0, q-1]$ интерваллардаги номанфий узлуксиз функциялар бўлиб, қуйидаги хоссаларга эга бўлсин:*

1. *Бирор* $\delta > 0$ *учун* $A_2 \in C^1((0,\delta])$;
2. $\lim_{x\to 0+} A_2(x) = 0$;
3. $0 \leqslant B := \lim\limits_{x\to 0+} \frac{d}{dx} A_2(x) < \frac{(1-\lambda)^2}{\alpha q^2}$
4. $A_1(\eta) = A_2(\bar{\phi}^{-1}(\eta))$, *бу ерда* $\bar{\phi}^{-1}$ *бирор* $\delta > 0$ *сон учун* $(0, \delta]$ *интервалдаги* $\bar{\phi}$ *функциянинг тескариси*.

Агар $b \in BMO(X)$ бўлса, у ҳолда $L^{p),\lambda)}_{\theta_1,A_1(\cdot)}(X,\mu)$ фазодан $L^{q),\lambda)}_{\theta_2,A_2(\cdot)}(X,\mu)$ фазога $M[b, I^\alpha]$ акслантириш чегараланган бўлади.

34-теорема. *Фараз қилайлик, Теорема 33 нинг барча шартлари бажарилсин. У ҳолда* $L^{p),\lambda)}_{\theta_1,A_1(\cdot)}(X,\mu)$ *фазодан* $L^{q),\lambda)}_{\theta_2,A_2(\cdot)}(X,\mu)$ *фазога* $[b,I_\alpha]$ *акслантириш чегараланган бўлади.*

$M^{p),\theta,\lambda}_{w_1,w_2}(X)$ оғирлик қўйилган катта Морри фазосини қуйидагича аниқлаймиз:

$$M^{p),\theta,\lambda}_{w_1,w_2}(X)=\left\{f\colon \| f \|_{M^{p),\theta,\lambda}_{w_1,w_2}(X)}<\infty\right\},$$

бу ерда

$$\| f \|_{M^{p),\theta,\lambda}_{w_1,w_2}(X)}:=\sup_{0<\varepsilon<p-1}\sup_{B\subset X}\frac{1}{(w_2(B))^{\lambda}}\left(\varepsilon^{\theta}\int_B |f(x)|^{p-\varepsilon}w_1(x)d\mu(x)\right)^{\frac{1}{p-\varepsilon}},$$

$w_2(B)=\int_B w_2\,(x)d\mu(x)$, $\mu(X)<\infty$, $1<p<\infty$, $0<\lambda<1/p$, $\theta>0$, w_1 ва w_2 лар эса X даги оғирлик функциялари, яъни деярли ҳамма ерда мусбат ва интегралланувчи функциялар. Энди катта Морри фазоларининг бошқа бир турини келтирамиз. Бу ҳолда оғирлик функцияларидан бири нормани аниқлашда кўпайтувчи вазифасини бажаради. Бундай фазо қуйидаги нормага нисбатан аниқланади

$$\| f \|_{\mathcal{M}^{p),\theta,\lambda}_{w_1,w_2}(X)}:=\sup_{0<\varepsilon<p-1}\sup_{B\subset X}\frac{1}{(w_2(B))^{\lambda}}\left(\varepsilon^{\theta}\int_B |f(x)w_1(x)|^{p-\varepsilon}d\mu(x)\right)^{\frac{1}{p-\varepsilon}}.$$

Агар $w_1\equiv w_2:=w$ бўлса, у ҳолда $M^{p),\theta,\lambda}_{w_1,w_2}(X)$ (мос равишда $\mathcal{M}^{p),\theta,\lambda}_{w_1,w_2}(X)$) фазони $M^{p),\theta,\lambda}_{w}(X)$ (мос равишда $\mathcal{M}^{p),\theta,\lambda}_{w}(X)$) каби белгилаймиз.

$f\colon X\to\mathbb{R}$ ўлчовли функциялар синфида аниқланган қисман чизиқли T оператор қуйидаги шартни қаноатлантиради деб ҳисоблаймиз: шундай мусбат c_0 ўзгармас сони мавжудки, компакт ташувчили барча $f\in L^1(X)$ ва $x\notin \operatorname{supp} f$ учун

$$|Tf(x)|\le c_0\int_X\frac{|f(y)|}{\mu B(x,d(x,y))}d\mu(y).$$

тенгсизлик бажарилади. Бу ҳолда биз T оператор $S(X)$ шартни қаноатлантиради деймиз.

35-теорема. *Айтайлик* $1<p<\infty$, $\theta>0$, $0<\lambda<1/p$, $w\in A_p(X)$ *берилган бўлсин. Агар* T *оператор* $S(X)$ *шартни ва* $1<r\le p$ *учун* $\mathcal{B}_r(X)$ *шартни қаноатлантирса, у ҳолда*

$$\| Tf \|_{M^{p),\theta,\lambda}_{w}(X)}\le C\,\| f \|_{M^{p),\theta,\lambda}_{w}(X)},\quad f\in D(X)$$

тенгсизлик ўринли бўлади.

$0<\alpha<1$ бўлсин. Агар каср типли T_α қисман чизиқли оператор учун шундай мусбат C сони топилиб, компакт ташувчили барча $f\in L^1(X)$ ва ихтиёрий $x\notin \operatorname{supp} f$ лар олинганда ҳам

$$|T_\alpha f(x)|\le C\int_X\frac{f(y)}{\mu(B(x,d(x,y))^{1-\alpha}}d\mu(y).$$

тенгсизлик ўринли бўлса, у ҳолда бу оператор $S_{\alpha}(X)$ шартни қаноатлантиради дейилади.

36-таъриф. *$0 < \alpha < 1$ ва $1 < r < 1/\alpha$ берилган бўлиб, $s = \frac{r}{1-\alpha r}$ бўлсин. Агар T_{α} қисман чизиқли оператор учун f га боғлиқмас мусбат C сони мавжуд бўлиб, ҳар бир $w \in A_{1+\frac{s}{r'}}(X)$ оғирлик учун*

$$\| T_{\alpha}(fw^{\alpha}) \|_{L_w^s(X)} \leq C \| f \|_{L_w^r(X)}, \quad f \in D(X),$$

Тенгсизлик бажарилса, у ҳолда бу оператор $\mathcal{B}_{\alpha,r,s}(X)$ шартни қаноатлантиради дейилади. Шунингдек, $1 < r < s < \infty$ сонлари учун T_{α} қисман чизиқли оператор ҳар бир $w \in A_{r,s}(X)$ оғирлик олинганда ҳам $L_{w^r}^r(X)$ фазодан $L_{w^s}^s(X)$ фазога чегараланган акслантириш бўлса, у ҳолда бу оператор $\overline{\mathcal{B}}_{\alpha,r,s}(X)$ шартни қаноатлантиради дейилади.

37-теорема. *Айтайлик $0 < \alpha < 1$, $1 < p < 1/\alpha$ ва $\theta > 0$ берилган бўлсин. $q = \frac{p}{1-\alpha p}$ деб оламиз. Шунингдек, $r \leq p$, $s \leq q$ ва $\frac{1}{r} - \frac{1}{s} = \alpha$ шартларни бажарувчи барча (r, s) жуфтликлар учун T_{α} қисман чизиқли оператор $S_{\alpha}(X)$ ва $\mathcal{B}_{\alpha,r,s}(X)$ шартларни қаноатлантирсин. Агар $0 < \lambda < 1/q$ ва $w \in A_{1+q/p'}(X)$ бўлса, у ҳолда шундай $c > 0$ ўзгармас сон мавжудки, барча $f \in M_w^{p),\theta,\lambda}(X)$ учун*

$$\| T_{\alpha}(fw^{\alpha}) \|_{M_w^{q),q\theta/p,\lambda}(X)} \leq c \| f \|_{M_w^{p),\theta,\lambda}(X)}, \quad f \in D(X)$$

тенгсизлик ўринли бўлади.

38-теорема. *Айтайлик $0 < \alpha < 1$, $1 < p < 1/\alpha$ ва $\theta > 0$ берилган бўлсин. $q = \frac{p}{1-\alpha p}$ деб оламиз. Шунингдек, $r \leq p$, $s \leq q$ ва $\frac{1}{r} - \frac{1}{s} = \alpha$ шартларни бажарувчи барча (r, s) жуфтликлар учун T_{α} қисман чизиқли оператор $S_{\alpha}(X)$ ва $\mathcal{B}_{\alpha,r,s}(X)$ шартларни қаноатлантирсин. Агар $0 < \lambda < 1/q$ ва $w \in A_{1+q/p'}(X)$ бўлса, у ҳолда шундай $c > 0$ ўзгармас сон мавжудки, барча $f \in D(X)$ учун*

$$\| T_{\alpha} f \|_{\mathcal{M}_{w,w^q}^{q),q\theta/p,\lambda}(X)} \leq c \| f \|_{\mathcal{M}_{w,w^q}^{p),\theta,\lambda}(X)}$$

тенгсизлик ўринли бўлади.

Учинчи бобни ҳам боб бўйича баъзи изоҳлар ва натижалар чоп этилган маоқолалар рўйхатини келтириш билан якунлаймиз. Натижалар [9,10,11,12,13] ишларда ўз ифодасини топган.

«**Ўзгарувчан кўрсаткичли чекли вариацияли функциялар фазолар**» деб номланган тўртинчи боб ўзгарувчан кўрсаткичли баъзи чекли вариацияли функциялар фазоларини ўрганишга, Винер ва Рисс маъносидаги фазоларнинг структуравий хоссаларини тадқиқ қилишга бағишланган. Рисс маъносидаги чекли вариацияли фазоларда берилган глобал Липшиц-Немицки операторларининг тавсифини, шунингдек, Рисс тасвири ҳақидаги леммани исботлаймиз. Бобни B Банах фазосида Радон-Никодим теоремасини ишлатмасдан вектор ўлчов учун ўзгарувчан кўрсаткичли Рисс маъносидаги чекли вариацияли функциялар фазосидан фойдаланиб $L^{p(\cdot)}([a,b],B)$ ўзгарувчан кўрсаткичли Бохнер-Лебег фазосидаги чизиқли функционалларни тавсифлаш билан якунлаймиз.

Жоиз функция деб $p_+ < \infty$ шартни қаноатлантирувчи $p:[a,b]\to[1,\infty)$ функцияни тушунамиз. Фараз қилайлик p жоиз функция ва $[a,b]$ кесмада бирор $\Pi_{[a,b]} = \{a = t_0 < \cdots < t_n = b\}$ бўлаклаш берилган бўлсин. $\mathring{\mathfrak{V}}_{[a,b]}^{p(\cdot)}$ функционални қуйидагича аниқлаймиз

$$\mathring{\mathfrak{V}}_{[a,b]}^{p(\cdot)}(f) = \sup_{\Pi^*_{[a,b]}} \sum_{i=1}^{n} |f(t_i) - f(t_{i-1})|^{p(x_{i-1})} =: \mathring{\varrho}_{(a,b)}(f)$$

бу ерда $\Pi^*_{[a,b]}$ $[a,b]$ кесмадаги бўлаклаш. $\mathring{\mathfrak{V}}_{[a,b]}^{p(\cdot)}$ функционал қаварик псевдо-модуляр эканлигидан нормани қуйидагича аниқлаш мумкин.

39-таъриф. p *жоиз функция бўлсин.* $p(\cdot)$*-чекли вариацияли функциялар фазосини қуйидагича аниқлаймиз*

$$BV^{p(\cdot)}([a,b]) = \left\{f:[a,b]\to\mathbb{R} \mid f(a) = 0 \quad \wedge \quad \| f \|_{BV^{p(\cdot)}(a,b)} < +\infty\right\}$$

$$\| f \|_{BV^{p(\cdot)}(a,b)} = inf\left\{\lambda > 0 \mid \mathring{\mathfrak{V}}_{[a,b]}^{p(\cdot)}\left(\frac{f}{\lambda}\right) \le 1\right\}.$$

Бу норма Люксембург нормаси дейилади.

$BV^{p(\cdot)}([a,b])$ $p(\cdot)$-чекли вариацияли фазонинг Банах фазо бўлишини, сепарабел эмаслигини, c_0 фазога изоморф қисм фазоси борлигини ва $q(x) \ge p(x)$ учун $BV^{p(\cdot)}[a,b] \hookrightarrow BV^{q(\cdot)}([a,b])$ эканлигини исботлаймиз.

40-теорема. $BV^{p(\cdot)}([a,b])$ *фазодаги ҳар қандай кетма-кетлик ўзгарувчан вариацияда текис чегараланган бўлади ва* $f \in BV^{p(\cdot)}([a,b])$ *функцияга ҳар бир нуқтада яқинлашувчи қисмий кетма-кетликка эга.*

$f:[a,b]\to\mathbb{R}$ функциянинг $p(\cdot)$-*узлуксизлик модули* деб қуйидаги функцияни тушунамиз

$$\omega_\delta^{p(\cdot)}(f) = \sup_{\Pi^*_\delta} \sum_{i=1}^{n} |f(t_i) - f(t_{i-1})|^{p(x_{i-1})}$$

бу ерда Π^*_δ $[a,b]$ кесмадаги узунлиги δ дан ошмайдиган бўлаклаш. Агар $f \in BV^{p(\cdot)}([a,b])$ функция йўқолувчи шартни, яъни $\lim_{\delta\to 0}\omega_\delta^{p(\cdot)}(f) = 0$ қаноатлантирса, f функцияга $p(\cdot)$-*абсолют узлуксиз* дейилади. Барча $p(\cdot)$-*абсолют узлуксиз функциялар* фазосини $C^{p(\cdot)}([a,b])$ каби белгилаймиз. Агар p жоиз функция бўлса, у ҳолда $C^{p(\cdot)}([a,b])$ фазо қуйидаги хоссаларга эаг бўлиши исботланган:

- $BV^{p(\cdot)}([a,b])$ фазонинг ёпиқ қисм фазоси;
- Сепаребел фазо.

Рисс маъносидаги ўзгарувчан кўрсаткичли чакли вариацияли фазоларни аниқлашга тайёрмиз.

41-таъриф. $[a,b]$ *кесмада* $\Pi_{[a,b]} = \{a = t_0 < t_1 < \cdots < t_n = b\}$ *бўлаклаш ва* p *жоиз функция берилган бўлсин.* $\sigma^{p(\cdot)}_{[a,b]}, \mathfrak{V}^{p(\cdot)}_{[a,b]} \colon \mathbb{R}^{[a,b]} \to \overline{\mathbb{R}}_+$ *функционалларни қуйидагича аниқлаймиз*

$$\sigma^{p(\cdot)}_{[a,b]}\left(f, \Pi^*_{[a,b]}\right) = \sum_{i=1}^{n} \frac{|f(t_i) - f(t_{i-1})|^{p(x_{i-1})}}{(t_i - t_{i-1})^{p(x_{i-1})-1}}, \quad \mathfrak{V}^{p(\cdot)}_{[a,b]}(f) = \sup_{\Pi^*_{[a,b]}} \sigma^{p(\cdot)}_{[a,b]}\left(f, \Pi^*_{[a,b]}\right)$$

бу ерда $\Pi^*_{[a,b]}$ $[a,b]$ *интервалдаги шундай бўлаклашки, бу бўлаклашга ҳар бир* i *учун* $t_i \le x_i \le t_{i+1}$ *шартни қаноатлантирувчи чекли* $x_0, \dots, x_{n-1}$ *кетма-кетлик ҳам киради. Рисс маъносидаги чекли* $p(\cdot)$ *вариацияли функциялар фазосини* $\boldsymbol{RBV}^{p(\cdot)}([a,b]) := \{f \in \mathbb{R}^{[a,b]} \colon \mathfrak{V}^{p(\cdot)}_{[a,b]}(f) < \infty\}$ *каби белгилаймиз.*

Агар p функция $p(\cdot)$-жоиз функция бўлса, $\mathfrak{V}^{p(\cdot)}_{[a,b]}$ нинг қавариқ псевдомодуляр эканлигидан $RBV^{p(\cdot)}([a,b]) := \mathbf{RBV}^{p(\cdot)}([a,b])/C$ фактор фазода норма аниқлаш мумкинлиги келиб чиқади. Бунда C барча ўзгармас функциялар фазоси.

$$\| f \|_{RBV^{p(\cdot)}([a,b])} = \inf\left\{\lambda > 0 \mid \mathfrak{V}^{p(\cdot)}_{[a,b]}\left(\frac{f}{\lambda}\right) \le 1\right\}.$$

$RBV^{q(\cdot)}([a,b])$ Банах фазоси эканлиги исботланди ва $p(x) \le q(x)$ учун $RBV^{q(\cdot)}([a,b]) \hookrightarrow RBV^{p(\cdot)}([a,b])$ ўринлилиги кўрсатилди. Шунингдек, $\mathrm{Lip}([a,b]) \subseteq RBV^{p(\cdot)}([a,b]) \subseteq AC([a,b])$ ҳам ўринли. Бундан ташқари $|||\cdot||| := \|\cdot\|_\infty + \|\cdot\|_{RBV^{p(\cdot)}}$ нормага нисбатан $(RBV^{q(\cdot)}([a,b]), |||\cdot|||)$ Банах алгебраси бўлади.

Рисс нормасини функция ҳосиласининг $L^p(\cdot)$-нормаси билан боғловчи Рисс типидаги теоремани исботлаймиз.

42-теорема. $p \in \mathbb{P}^{log}([a,b])$ *берилган бўлсин. Агар* $f \in AC([a,b])$ *ва* $f' \in L^{p(\cdot)}([a,b])$ *бўлса, у ҳолда* $f \in RBV^{p(\cdot)}([a,b])$. *Шунингдек, қуйидаги ўринли*

$$\| f \|_{RBV^{p(\cdot)}([a,b])} \lesssim \| f' \|_{L^{p(\cdot)}([a,b])}.$$

43-теорема. $f \in RBV^{p(\cdot)}([a,b])$ *ва* $p \in C[a,b]$ *берилган бўлсин. У ҳолда* $f' \in L^{p(\cdot)}([a,b])$ *ва*

$$\mathfrak{V}^{p(\cdot)}_{[a,b]}(f) \ge \int_a^b |f'(t)|^{p(t)} dt,$$

$$\| f' \|_{L^{p(\cdot)}([a,b])} \lesssim \| f \|_{RBV^{p(\cdot)}([a,b])}$$

ўринли бўлади.

Суперпозиция оператори деб ҳам номланувчи Немицки операторини киритамиз. $f \colon I \times \mathbb{R} \to \mathbb{R}$ функция шундайки, I даги барча t лар учун $\xi \mapsto f(t,\xi)$ узлуксиз функция бўлади. Барча $t \in I$ ва $\varphi \colon I \to \mathbb{R}$ учун $(F_f\varphi)(t) = f(t, \varphi(t))$ каби аниқланган F_f операторга f асосли Немицки оператори дейилади.

Чекли вариацияли функцияларнинг Рисс фазоларида таъсир қилувчи Немицки операторларини тавсифловчи теоремани исботлаймиз.

44-теорема. *Айтайлик* $p \in \mathbb{P}^{log}([a,b])$, $q \in \mathbb{P}([a,b])$ *ва* $q(x) \leq p(x)$ *берилган бўлсин.* $RBV_a^{p(\cdot)}([a,b])$ *фазони* $RBV_a^{q(\cdot)}([a,b])$ *фазога акслантирувчи* F_f *Немицки оператори глобал Липшиц бўлиши учун шундай* $g,h \in RBV_a^{q(\cdot)}([a,b])$ *функциялар топилиб,*

$$f(t,y) = g(t)y + h(t), \quad t \in [a,b],\ y \in \mathbb{R}.$$

ўринли бўлиши зарур ва етарли.

Қуйида Чекли вариацияли функцияларнинг Рисс фазоларида таъсир қилувчи глобал Липшиц-Немицки операторларининг асоси ўзгармас бўлишининг етарли шартлари берилади.

45-теорема. *Айтайлик* $p \in \mathbb{P}^{log}([a,b])$, $q \in \mathbb{P}([a,b])$ *ва ихтиёрий* $t \in [a,b]$ *учун* $1 < p_+ < q(t)$ *бўлсин. Агар* $RBV_a^{p(\cdot)}([a,b])$ *фазони* $RBV_a^{q(\cdot)}([a,b])$ *фазога акслантирувчи* F_f *Немицки оператори глобал Липшиц бўлса, у ҳолда ҳар бир* $t \in [a,b]$ *ва* $x \in \mathbb{R}$ *учун* f *функция* $f(t,x) = f(t,0)$ *шартни қаноатлантиради.*

Ушбу бобни B Банах фазосига бошқа шартлар қўймаган ҳолда $L^{p(\cdot)}([a,b],B)$ ўзгарувчан кўрсаткичли Бохнер-Лебег фазосига қўшма фазонинг умумий тавсифини келтириш билан якунлаймиз.

Энди биз $G: \mathbb{B}_{[a,b]} \to B^*$ вектор ўлчов билан ишлаймиз. Бунда $\mathbb{B}_{[a,b]}$ $[a,b]$ кесмадаги Борел σ-алгебраси. Фараз қилайлик, $\mathcal{Q} = \{Q\}$ $[a,b]$ кесманинг ихтиёрий ўзаро кесишмайидиган бузилмаган интервалларининг бўлаклаши бўлсин. $p \in \mathbb{P}[a,b]$ учун G нинг $[a,b]$ кесмадаги $p(\cdot)$-Рисс вариациясини қуйидагича аниқлаймиз

$$\mathfrak{V}_{[a,b]}^{p(\cdot)}(G,B^*) = \sup_{\mathcal{Q}} \sum_{Q \in \mathcal{Q}} \frac{\| G(Q) \|_{B^*}^{pQ}}{|Q|^{p_Q - 1}}$$

Ва Рисс маъносидаги чекли $p(\cdot)$ вариацияли функциялар фазосини $RBV^{p(\cdot)}([a,b],B^*) := \{G: \mathfrak{V}_{[a,b]}^{p(\cdot)}(G,B^*) < \infty\}$ каби белгилаймиз.

46-теорема. $p,q \in \mathcal{B}([a,b])$ *қўшма кўрсаткичли функциялар ва* $p_- > 1$ *бўлсин. У ҳолда* $RBV^{q(\cdot)}([a,b],B^*)$ *фазодан* $(L^{p(\cdot)}([a,b],B))^*$ *фазога акслантирувчи*

$$G \to \ell_G, \quad \ell_G(f) = \int_a^b f dG\,,\ f \in L^{p(\cdot)}([a,b],B)$$

оператор чизиқли изоморфизм ва

$$\| \ell_G \|_{\left(L^{p(\cdot)}([a,b],B)\right)^*} \asymp \| G \|_{RBV^{q(\cdot)}([a,b],B^*)}.$$

Тўртинчи бобни ҳам боб бўйича баъзи изоҳлар ва натижалар чоп этилган мақолалар рўйхатини келтириш билан якунлаймиз. Натижалар [1,2,3,4] ишларда ўз ифодасини топган.

«**Хунук ядроли операторлар**» деб номланувчи бешинчи боб баъзи ностандарт функционал фазолардаги хунук ядроли операторларнинг чегараланганлигини ўрганишга бағишланган. Бундай масалаларнинг мураккаблиги шундаки, классик фазоларда операторларнинг чегараланганлигини ўрганиш буриш методига асосланган бўлиб, бу метод ностандарт фазоларда ўтмайди. Шу боис бундай фазолардаги операторларнинг чегараланганлигини текшириш учун янги метод ишлаб чиқиш талаб қиланади. Ўзгарувчан кўрсаткичли Лебег фазоларида экстраполяция методи иш берса-да, бошқа ностандарт фазоларда, масалан, Морри фазоларида самарасиз бўлиб қолади. Бизнинг таклиф қилаётган методимиз ҳар бир нуқтада баҳолашга асосланган бўлиб, хатто $\alpha(x)$ ўзгарувчан кўрсаткичли фазоларда ҳам каср максимал операторлар ва потенциал операторларни ўрганиш имконини беради. Ишлаб чиқилган метод фазони масштаблаштириш хоссасига асосланган умумий схемани бериши билан самаралидир. Бу схема хунук ядроли максимал операторни ҳар бир нуқтада баҳолаш билан биргаликда шундай масштабли классик фазолардаги операторларнинг чегараланганлигидан фойдаланиб M_ω операторнинг чегараланганлигини келтириб чиқаришни осонлаштиради. Бу схемани қўллаб Мусиелак-Орлич фазоси, ўзгарувчан кўрсаткичли умумлашган Морри фазоси, умумлашган Орлич-Морри фазоси, қўшимча умумлашган Морри фазоси ва ўзгарувчан кўрсаткичли континуал Герц фазоларидаги хунук ядроли максимал операторларнинг чегараланганлигини исботлаймиз. Бу натижалар хатто ўзгармас кўрсаткичли ҳол учун ҳам янгиликдир.

Энди хунук ядроли максимал операторни келтириб ўтамиз

$$M_\omega f(x) := \sup_{r>0} \frac{1}{r^n} \int_{|y|<r} |\,\omega(y) f(x-y)| dy,$$

бу ерда ω биржинсли 0-тартибли, p-жамланувчи функция. $M_{\omega,\alpha}$ каср максимал оператор қуйидагича аниқланади

$$M_{\omega,\alpha} f(x) := \sup_{r>0} \frac{1}{r^{n-\alpha}} \int_{|y|<r} |\,\omega(y)||f(x-y)| dy.$$

Хунук максимал операторни қуйидагича аниқлаймиз

$$M_\omega^{\#} f(x) = f_\omega^{\#}(x) = \sup_{r>0} \frac{1}{r^n} \int_{|y|<r} |\,\omega(y)||f(x-y) - f_{B(x,r)}| dy$$

бу ерда f_B ўрта қиймат бўлиб, $f_B := \frac{1}{|B|} \int_B f\,(y) dy$ каби аниқланади. Хунук ядроли максимал операторга ўхшаш хунук ядроли α каср тартибли операторни аниқлаймиз

$$I_\omega^{\alpha(x)} f(x) := \int_{\mathbb{R}^n} \frac{\omega(x-y)}{|x-y|^{n-\alpha(x)}} f(y) dy.$$

47-лемма. *$f \in L_{loc}^{s'}(\mathbb{R}^n)$, $s > 1$ берилган бўлсин. Агар $\omega \in L^s(\mathbb{S}^{n-1})$ 0-тартибли биржинсли функция бўлса, у ҳолда қуйидаги тенгсизлик ўринли*

$$M_\omega f(x) \leq \frac{\|\,\omega\,\|_{L^s(\mathbb{S}^{n-1})}}{n^{\frac{1}{s}}} \left(M(|f|^{s'})(x)\right)^{\frac{1}{s'}}.$$

48-лемма. *Айтайлик* $f \in L^{p(\cdot)}(\Omega)$, $0 < \alpha < n$, $1 < p_- \le p_+ < \infty$ *берилган бўлсин. Шунингдек, ҳар бир нуқтада* $1/q(x) = 1/p(x) - \alpha/n$ *каби аниқланган* q *функция берилган бўлсин. У ҳолда ҳар бир нуқтада қуйидаги тенгсизлик ўринли*

$$M_{\omega,\alpha}f(x) \le \left[M_{|\omega|^{\frac{n}{n-\alpha}}}\left(|f(\cdot)|^{\frac{p(\cdot)}{q(\cdot)}\frac{n}{n-\alpha}}(x)\right)\right]^{1-\frac{\alpha}{n}}\left(\int_\Omega |f(y)|^{p(y)}dy\right)^{\frac{\alpha}{n}}.$$

49-лемма. $\omega \in L^1(\mathbb{S}^{n-1})$ *бир жинсли 0-даражали функция учун*

$$|f_\omega^{\#}(x)| \le M_\omega f(x) + \frac{1}{n}Mf(x) \parallel \omega \parallel_{L^1(\mathbb{S}^{n-1})}$$

тенгсизлик ўринли.

50-лемма. $f \in L_{loc}^{s'}(\mathbb{R}^n)$, $1 < s < \infty, \omega \in L^s(\mathbb{S}^{n-1})$ *биржинсли 0-тартибли функция ва деярли ҳамма ерда мусбат* $\alpha(x)$ *функция берилган бўлсин. У ҳолда* $\alpha(x) > 0$ *бўлган барча* $x \in \mathbb{R}^n$ *нуқталарда*

$$\left|I_\omega^{\alpha(x)}(f\chi_{B(x,r)})(x)\right| \le \frac{1}{\alpha(x)^{\frac{1}{s}}} \parallel \omega \parallel_{L^s(\mathbb{S}^{n-1})} r^{\frac{\alpha(x)}{s}}\left(I^{\alpha(x)}(|f|^{s'}\chi_{B(x,r)})(x)\right)^{\frac{1}{s'}},$$

тенгсизлик ўринли.

51-натижа. $\omega \in L^s(\mathbb{S}^{n-1})$,$1 < s < \infty$, $inf_{x\in\Omega}\alpha(x) > 0$ *ва* $f \in L_{loc}^{s'}(\mathbb{R}^n)$ *берилган бўлсин. У ҳолда қуйидаги тенгсизлик бажарилади*

$$\left|I_\omega^{\alpha(x)}(f\chi_{B(x,r)})(x)\right| \lesssim \parallel \omega \parallel_{L^s(\mathbb{S}^{n-1})} r^{\alpha(x)}\left(M(|f|^{s'})(x)\right)^{\frac{1}{s'}}.$$

52-лемма. $\omega \in L^s(\mathbb{S}^{n-1})$,$1 < s < \infty$ *ва* $\alpha \in L^\infty(\Omega)$ *берилган бўлсин. У ҳолда қуйидаги ўринли*

$$\left|I_\omega^{\alpha(x)}(f\chi_{\mathbb{R}^n\setminus B(x,r)})(x)\right| \lesssim \parallel \omega \parallel_{L^s(\mathbb{S}^{n-1})} r^{\frac{\alpha(x)}{s}-\frac{\beta(x)}{s'}}\left(I^{\alpha(x)+\beta(x)}(|f|^{s'}\chi_{\mathbb{R}^n\setminus B(x,r)})\right)^{\frac{1}{s'}}$$

бу ерда β *қуйидагича аниқланган ихтиёрий функция*

$$\inf_{x\in\Omega}\left[\beta(x) - \frac{\alpha(x)}{s-1}\right] > 0$$

ва $C = C(\alpha, s, \beta)$.

53-лемма. Ω *чегараланган очиқ тўплам,* $p \in \mathbb{P}^{log}(\Omega)$,

$$\sup_{x\in\Omega} p(x)\alpha(x) < n,$$

$inf_{x\in\Omega}\alpha(x) > 0$, $\omega \in L^s(\mathbb{S}^{n-1})$, $f \in L^{p(\cdot)}(\Omega)$ *ва* $1 < s < \infty$ *берилган бўлсин. У ҳолда қуйидаги тенгсизлик ўринли*

$$\left|I_\omega^{\alpha(x)}(f\chi_{\Omega\setminus B(x,r)})(x)\right| \le C \parallel \omega \parallel_{L^s(\mathbb{S}^{n-1})} r^{\alpha(x)-\frac{n}{p(x)}} \parallel f \parallel_{L^{p(\cdot)}(\Omega)}.$$

54-лемма. Ω *чегараланган очиқ тўплам,* $\omega \in L^s(\mathbb{S}^{n-1})$, $p \in \mathbb{P}^{log}(\Omega)$, $1 < s < \infty$, $inf_{x\in\Omega}\alpha(x) > 0$ *ва* $sup_{x\in\Omega}[\lambda(x) + \alpha(x)p(x)] < n$ *бўлсин. У ҳолда*

$$\left|I_\omega^{\alpha(x)}(f\chi_{\Omega\setminus B(x,r)})(x)\right| \lesssim \parallel \omega \parallel_{L^s(\mathbb{S}^{n-1})} r^{\alpha(x)-\frac{n-\lambda(x)}{p(x)}},$$

ўринли, бу ерда $\rho_{p(\cdot),\lambda(\cdot)}(f) \le 1$.

Юқоридаги тенгсизликлардан ўзгарувчан кўрсаткичли Лебег фазоларида чегараланганлик бўйича қуйидаги натижани оламиз.

55-теорема. *ω биржинсли 0-даражали функция, $\omega \in L^s(\mathbb{S}^{n-1})$, $s \geq (p')_+$, ва $\frac{p}{s'} \in \mathfrak{P}(\Omega)$ берилган бўлсин. У ҳолда M_ω оператор $L^{p(\cdot)}(\Omega)$ фазода чегараланган.*

56-теорема. *Айтайлик ω биржинсли 0-даражали функция, $\omega \in L^{\frac{sn}{n-\alpha}}(\mathbb{S}^{n-1})$, $s \geq \left[\left((1-\frac{\alpha}{n})q\right)'\right]_+$, $\frac{(1-\alpha/n)q}{s'} \in \mathfrak{P}(\Omega)$ берилган бўлсин. У ҳолда $M_{\omega,\alpha}$оператор $\left(L^{p(\cdot)}(\Omega) \to L^{q(\cdot)}(\Omega)\right)$- чегараланган.*

57-теорема *ω биржинсли 0-даражали функция, $\omega \in L^s(\mathbb{S}^{n-1})$, $s \geq (p')_+$, ва $\frac{p}{s'} \in \mathfrak{P}(\Omega)$ берилган бўлсин. У ҳолда $M_\omega^\#$ оператор $L^{p(\cdot)}(\Omega)$ фазода чегараланган.*

58-теорема. *Ω чегараланган очиқ тўплам, $\omega \in L^s(\mathbb{S}^{n-1})$, $1 < s < \infty$, $inf_{x\in\Omega}\alpha(x) > 0$, $sup_{x\in\Omega}\alpha(x)p(x) < n$, $s \geq (p')_+$, ва $p \in \mathbb{P}^{log}(\Omega)$ бўлсин. У ҳолда $I_\omega^{\alpha(x)}$ хунук ядроли каср оператор $\left(L^{p(\cdot)}(\Omega) \to L^{q(\cdot)}(\Omega)\right)$-чегараланган, бу ерда $\frac{1}{q(x)} = \frac{1}{p(x)} - \frac{\alpha(x)}{n}$.*

59-натижа. *Ω чегараланган очиқ тўплам, $\omega \in L^s(\mathbb{S}^{n-1})$, $1 < s < \infty$, $inf_{x\in\Omega}\alpha(x) > 0$, $sup_{x\in\Omega}\alpha(x)p(x) < n$, $s \geq (p')_+$, ва $p \in \mathbb{P}^{log}(\Omega)$ бўлсин. У ҳолда $M_{\omega,\alpha(x)}$ хунук ядроли каср оператор $\left(L^{p(\cdot)}(\Omega) \to L^{q(\cdot)}(\Omega)\right)$-чегараланган, бу ерда $\frac{1}{q(x)} = \frac{1}{p(x)} - \frac{\alpha(x)}{n}$.*

Шу каби натижалар ўзгарувчан кўрсаткичли Морри фазоларида ҳам олинган.

60-теорема. *Ω тўплам $\mathbb{R}^n$ да чегараланган очиқ, $0 \leq \lambda(x) \leq \lambda_+ < n$, $s \geq (p')_+$, $\omega \in L^s(\mathbb{S}^{n-1})$, $1 < s < \infty$, ва $p \in \mathbb{P}^{log}(\Omega)$ бўлсин. У ҳолда M_ω хунук ядроли максимал оператор $L^{p(\cdot),\lambda(\cdot)}(\Omega)$ фазода чегараланган.*

61-теорема. *Ω чегараланган очиқ тўплам, ω биржинсли 0-даражали функция, $\omega \in L^{\frac{sn}{n-\alpha}}(\mathbb{S}^{n-1})$, $s \geq \left[\left((1-\frac{\alpha}{n})q\right)'\right]_+$ ва $\frac{(1-\alpha/n)q}{s'} \in \mathbb{P}^{log}(\Omega)$ бўлсин.У ҳолда $M_{\omega,\alpha}$хунук ядроли каср максимал оператор $\left(L^{p(\cdot),\lambda(\cdot)}(\Omega) \to L^{q(\cdot),\lambda(\cdot)}(\Omega)\right)$-чегараланган, бу ерда $\frac{1}{q(x)} = \frac{1}{p(x)} - \frac{\alpha(x)}{n-\lambda(x)}$.*

62-теорема. *ω биржинсли 0-даражали функция , $\omega \in L^s(\mathbb{S}^{n-1})$,$s \geq (p')_+$, ва $p \in \mathbb{P}^{log}(\Omega)$ берилган бўлсин. У ҳолда $M_\omega^\#$ оператор $L^{p(\cdot),\lambda(\cdot)}(\Omega)$ фазода чегараланган.*

63-теорема. *Ω чегараланган очиқ тўплам, $\omega \in L^s(\mathbb{S}^{n-1})$, $1 < s < \infty$, $inf_{x\in\Omega}\alpha(x) > 0$, $sup_{x\in\Omega}[\lambda(x) + \alpha(x)p(x)] < n$, $s \geq (p')_+$, ва $p \in \mathbb{P}^{log}(\Omega)$ берилган бўлсин. У ҳолда $I_\omega^{\alpha(x)}$ хунук ядроли каср оператор $\left(L^{p(\cdot),\lambda(\cdot)}(\Omega) \to L^{q(\cdot),\lambda(\cdot)}(\Omega)\right)$-чегараланган,бу ерда $\frac{1}{q(x)} = \frac{1}{p(x)} - \frac{\alpha(x)}{n-\lambda(x)}$.*

Янги методни бошқа функционал фазоларга ҳам қўллашимиз мумкин.

64-таъриф. *X фазо $\| f \|_X$ норма аниқланган нормаланган фазо бўлсин. X_s, $s > 0$ фазони $f^s \in X$ шарт билан ҳосил қилинган. X_s фазода каср тартибли қуйидаги норма аниқлаймиз*

$$\| f \|_{X_s} := \| |f|^s \|_X^{\frac{1}{s}}.$$

65-теорема. *$\omega \in L^s(\mathbb{S}^{n-1})$, $1 < s < \infty$ ва X фазо $\mathbb{R}^n$даги функцияларнинг Банах панжараси бўлсин.Агар максимал оператор $X_{\frac{1}{s'}}$ фазода чегараланган бўлса, у ҳолда M_ω оператор X фазода чегараланган бўлади ва қуйидаги тенгсизлик ўринли*

$$\| M_\omega \|_X \le \frac{\| \omega \|_{L^s(\mathbb{S}^{n-1})}}{n^{\frac{1}{s}}} \| M \|_{X_{\frac{1}{s'}}}^{\frac{1}{s'}}.$$

65-теоремадан фойдаланиб, охирги ўн йилликда кенг ўрганилаётган қуйидаги функционал фазоларда хунук ядроли максимал операторнинг чегараланганлигини айтиш мумкин:

- Мусиелак-Орлич фазолари;
- Ўзгарувчан кўрсаткичли умумлашган Морри фазолари;
- Умумлашган Орлич-Морри фазолари;
- ўзгарувчан кўрсаткичли Герц фазолари;
- катта Лебег фазолари.

Санаб ўтилган фазолардан фақат Мусиелак-Орлич ва ўзгарувчан кўрсаткичли умумлашган Морри фазолари учун олинган натижаларни бериш билан кифояланамиз.

Мусиелак-Орлич фазоси

$$L^{\Phi(\cdot,\cdot)}(\mathbb{R}^n) = \{f: \| f \|_{L^{\Phi(\cdot,\cdot)}} < \infty\}$$

$\| f \|_{L^{\Phi(\cdot,\cdot)}} = \inf\{\lambda > 0: \int_{\mathbb{R}^n} \Phi\,(x, \frac{|f(x)|}{\lambda}) dx \le 1\}$ норма билан аниқланади, бунда ҳар бир $r \ge 0$ учун $\Phi(\cdot, r)$ ўлчовли функция ва шунингдек, $\Phi: \mathbb{R}^n \times \mathbb{R}_+ \to \mathbb{R}_+$ Юнг функциясидир.

66-теорема. *$\omega \in L^s(\mathbb{S}^{n-1})$ ва $t \mapsto \Phi(x, t^{\frac{1}{s'}})$ қавариқ функция берилган бўлсин. $\Phi(x, t)$ қуйидаги шартларни қаноатлантирсин*

$(A_0(\Phi))$

Шундай $\beta > 0$ сони мавжудки, ҳар бир $x \in \mathbb{R}^n$ учун $\Phi(x, \beta) \le 1$ ва $\Phi(x, \sigma) \ge 1$ ўринли.

$(A_1(\Phi))$

Шундай $\beta \in (0,1)$ сони мавжудки, ҳар бир $t \in [\sigma, (\Phi_B^-)^{-1}(1/|B|)]$ учун

$$\Phi_B^+(\beta t) \le \Phi_B^-(t)$$

ўринли, бу ерда $\Phi_B^-(t) := inf_{x \in B} \Phi(x, t)$ ва $\Phi_B^+(t) := sup_{x \in B} \Phi(x, t)$.

$(A_2(\Phi))$

Шундай $\beta > 0$ сонива $h \in L^1(\mathbb{R}^n) \cap L^\infty(\mathbb{R}^n)$ функция мавжудки, ҳар бир $t \in [0, \sigma]$ учун $\Phi(x, \beta t) \le \Phi(y, t) + h(x) + h(y)$ ўринли.

У ҳолда M_ω оператор $L^{\Phi(\cdot,\cdot)}(\mathbb{R}^n)$ фазода чегараланган.

Энди умумлашган Морри фазосида хунук ядроли операторнинг чегараланганлигини исботлаймиз. Ω тўпламдаги барча ўлчовли функциялар қуйидаги

$$\| f \|_{L^{p(\cdot),\varphi(\cdot,\cdot)}(\Omega)} = \sup_{x\in\Omega, r>0} \frac{1}{\varphi(x,r)} \| f \|_{L^{p(\cdot)}(\Omega(x,r))} < \infty$$

нормага нисбатан Банах фазоси эди. Бу фазони ўзгарувчан кўрсаткичли умумлашган Морри фазоси деб аталади, бу ерда $\Omega(x,r) := B(x,r) \cap \Omega$.

67-теорема. *$\Omega \subseteq \mathbb{R}^n$ чегараланган очиқ тўплам ва $(p_-)' < s < \infty$ учун $\omega \in L^s(\mathbb{S}^{n-1})$ берилган бўлсин.Агар $\varphi(x,r)$ функция $inf_{x\in\Omega, r>0} \frac{\varphi(x,r)}{r^{\frac{n}{p(x)}}} > 0$ ва*

$$\int_r^{diam(\Omega)} \frac{\varphi(x,t)^{s'}}{t^{\frac{s'n}{p(x)}}} \frac{dt}{t} \leq C \frac{\varphi(x,r)^{s'}}{r^{\frac{ns'}{p(x)}}},$$

шартларни қаноатлантирса, (бунда $C > 0$ сони x ва r га боғлиқмас) у ҳолда M_ω хунук ядроли максимал оператор $L^{p(\cdot),\varphi(\cdot,\cdot)}(\Omega)$ фазода чегараланган.

Бешинчи бобни ҳам боб бўйича баъзи изоҳлар ва натижалар чоп этилган маоқолалар рўйхатини келтириш билан якунлаймиз. Натижалар [14,15] ишларда ўз ифодасини топган..

ХУЛОСА

1. Ўзгарувчан кўрсаткичли Бергман фазолари аниқланган ва бундай фазоларда кўпҳадлар тўплами зич эканлиги исботланган.
2. Ўзгарувчан кўрсаткичли Бергман фазоларида экстраполяция усулидан фойдаланиб, Бергман проекциясининг чегараланганлигини исботлаш учун осон кенгайиш тушунчаси киритилган.
3. Ўзгарувчан кўрсаткичли Бергман фазоларида кўрсаткичли функция лог-Гёлдер шартини қаноатлантирганда Бергман проекцияси, Березин алмаштириши ва Тёплиц операторининг чегараланганлиги исботланган.
4. Умумлашган катта Морри фазоларида BMO функцияли потенциал оператор коммутатори ва Калдерон-Зигмунд типидаги коммутатор операторининг чегараланганлиги кўрсатилган.
5. Биржинсли типдаги катта Морри фазоларида қисман чизиқли ва қисман чизиқли операторлар коммутаторининг чегараланганлиги исботланган.
6. Ўзгарувчан кўрсаткичли Рисс чекли вариацияли функциялар фазосида Рисс тасвири ҳақидаги теорема исботланган.
7. Ўзгарувчан кўрсаткичли Бохнер-Лебег фазоларидаги чизиқли функционаллар вектор ўлчовлар учун ўзгарувчан кўрсаткичли Рисс маъносидаги чекли вариацияли функциялар фазоси нуқтаи назаридан тавсифланган.
8. Хунук ядроли баъзи операторларнинг чегараланганлигини текшириш учун янги метод ишлаб чиқилган.

Диссертация иши назарий характерга эга бўлиб, унда таклиф этилган методлар ва олинган натижалардан нostандарт функционал фазоларни ва улардаги оперторларни тадқиқ этишда фойдаланиш мумкин. Масалан, ўзгарувчан кўрсаткичли нostандарт аналитик функциялар фазоси, катта фазолар, ўзгарувчан кўрсаткичли чекли вариацияли функционал фазолар, максимал оператор, Калдерон-Зигмунд оператори, Рисс потенциал оператори шулар жумласидан ҳисобланади.

SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING OF THE SCIENTIFIC DEGREES
DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 AT V.I.ROMANOVSKIY INSTITUTE OF MATHEMATICS

UNIVERSITY OF UNITED ARABIC EMIRATES AND
INSTITUTE OF MATHEMATICS

HUMBERTO GIL SILVA RAFEIRO

NON-STANDARD FUNCTION SPACES WITH APPLICATION TO HARMONIC ANALYSIS

01.01.01-Mathematical analysis
(Physical and mathematical sciences)

DISSERTATION ABSTRACT OF DOCTORAL DISSERTATION (DSc)
ON PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

TASHKENT-2021

Dissertation has been prepared at the Institute of Mathematics of Academy of Sciences of Uzbekistan and University of United Arabic Emirates (UAE)

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, English, Russian (summary)) on the website http://kengash.mathinst.uz and in the website of "ZiyoNet" Information and educational portal http://www.ziyonet.uz/

Scientific consultant:	**Ayupov Shavkat Abdullaevich** Doctor of Physical and Mathematical Sciences, academican
Official opponents:	**Alberto Fiorenza** Doctor of Physical and Mathematical Sciences, professor
	Chilin Vladimir Ivanovich Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Professor
	Kudaybergenov Karimbergen Kadirbergenovich Doctor of Physical and Mathematical Sciences, professor
Leading organization:	Andrea Razmadze Mathematical Institute of I. Javakhishvili Tbilisi State University

Defense will take place "13" february 2021 at 18:00 at the meeting of Scientific Council number DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 at Institute of Mathematics named after V.I. Romanovsky. (Address: University str. 4b, Almazar area, Tashkent city, 100174, Uzbekistan, Ph.: (99871) 207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz)

Dissertation is possible to review in Information-resource center at Institute of Mathematics named alter V.I.Romanovsky (is registered №112). (Address: University str. 4b, Almazar area, Tashkent city, 100174, Uzbekistan, Ph.: (99871)-207-91-40).

Abstract of dissertation sent out on «3» february 2021 year
(Mailing report № 2 on «3» february 2021 year)

U.A.Roziqov
Chairman of Scientific Council on award
of scientific degrees, D.Sc., Professor

J.K.Adashev
Scientific secretary of Scientific Council
on award of scientific degrees, PhD,
Senior researcher

U. U.Jamilov
Chairman of Scientific Seminar under
Scientific Council on award of scientific
degrees, D.Sc, Senior researcher

INTRODUCTION (abstract of DSc thesis)

Actuality and demand of the theme of the dissertation. In the last decades it was observed that classical function spaces are no longer the appropriate ambient space when we attempt to solve some contemporary problems arising naturally in non-linear elasticity theory, fluid mechanics, mathematical modeling of various physical phenomena, and solvability problems of non-linear partial differential equations, to name a few. As an example, we would like to recall that many materials can be modeled efficiently using the Lebesgue and Sobolev spaces, where the order of summability p is constant. For some non-homogeneous materials, these function spaces are not ideal, since the order of summability must measure the anisotropy of the material, thus we should consider function spaces with variable order or summability.

The application of non-standard function spaces (for instance, variable exponent Lebesgue spaces, variable exponent Sobolev spaces, and grand Lebesgue spaces, to name a few) to some contemporary problems is being developed intensively, for instance in the modeling of electrorheological fluids as well as thermorheological fluids, in the study of image processing, and differential equations with non-standard growth. From a purely mathematical point of view, the study of these non-standard function spaces is creating new and challenging problems, especially in questions related to the boundedness of operators from harmonic analysis, since in many instances the known approaches are not applicable to the problem at hand. Consequently, the study of non-standard function spaces and the development of appropriate tools from harmonic analysis is a very active area of research, which attests to the actuality of this dissertation.

Investigations on the international level in such important areas as functional analysis, harmonic analysis, mathematical physics, theory of probability and theory of dynamical systems considered as the main task of fundamental research[2]. In order to ensure the implementation of the decision, it is important to develop new function spaces in order to use scientific results in related fields of sciences.

This dissertation is in line and serves, up to a certain degree, with the tasks described in the Decrees of the President of the Republic of Uzbekistan DP-2909 dated April 20, 2017 «On measures for further development of the system of higher education» and DP-3775 dated June 5, 2018 «On additional measures to improve the quality of education in the higher educational institutions and ensure their active participation in the wide-scale reforms implemented in the country», in addition to other normative legal act on this subject.

---

[2] Decree of Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan « On measures on the organization of activities of the first created scientific research institutions of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan» № 292 dated May 17, 2017.

Connection of research to priority directions of development of science and technologies of the Republic. The research on this thesis was carried out in conformity with the priority direction of development of science and technology in the Republic of Uzbekistan IV. «Mathematics, mechanics and informatics».

Review of foreign research on the topic of the dissertation. Research on the topic of non-standard function spaces and application to harmonic analysis is being developed in many institutions and research centers, including the University of Alabama (USA), University of Turku (Finland), Tokyo Metropolitan University (Japan), University of Aveiro (Portugal), University of Algarve (Portugal), University of Naples (Italy), Georgian Academy of Sciences (Georgia), Pontificia Universidad Javeriana (Colombia), Southern Federal University (Russia), United Arab Emirates University (UAE), Hiroshima University (Japan), and Artic University (Norway).

The topic of non-standard function spaces is being intensively studied by many researchers, we sample a small number of results obtained in the last 5 years: study atomic and molecular decompositions in 2-microlocal Besov and Triebel-Lizorkin spaces with variable integrability, including the lifting property, embeddings and Fourier multipliers (University of Aveiro, Portugal); finding appropriate conditions for the boundedness of the Hardy-Littlewood maximal function and averaging operators in the framework of Musielak-Orlicz spaces and develop some transfer techniques (extrapolation and interpolation) in this framework (University of Turku, Finland); study of non-standard Banach spaces of analytic functions, both in the unit disk and in the upper half-plane (University of Algarve, Portugal and Southern Federal University, Russia); study of grand and small Lebesgue and Lorentz spaces, including embeddings and interpolation (University of Naples, Italy); study of grand Morrey spaces, including Stein type interpolation (Georgian Academy of Sciences, Georgia).

The degree of scrutiny of the problem. The variable exponent Lebesgue spaces were introduced by W. Orlicz in 1931 but these spaces did not attract immediate attention, except in the work of H. Nakano in the 1950s as a particular case of modular spaces. In the 1970s these function spaces appeared in the works of I. Sharapudinov with application to the problem of best approximation, and in the ’80s V. Zhikov applied variable exponent Lebesgue spaces to problems in the calculus of variations. In 1991 O. Kováčik and J. Rákosník published the influential paper in the theory of variable exponent spaces. After this paper, these spaces attracted the attention of many researchers, e.g. A. Almeida, C. Capone, D. Cruz-Uribe, L. Diening, D. E. Edmunds, A. Fiorenza, F. Futamura, M. Hajibayov, P. Harjulehto, P. Hästö, M. Khabazi†, V. Kokilashvili, T. Kopaliani, M. Koskenoja, O. Kovácik, J. Lang, V. Latvala, A. Lerner, J.M. Martell, F. Mamedov, A. Meskhi, Y. Mizuta, A. Nekvinda, C.J. Neugebauer, V. Paatashvili†, M. Pere, C. Perez, H. Rafeiro, J. Rákosník, M. Růžička, N. Samko, S. Samko, Y. Sawano, I.

